

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК: 339.727**

АНВАРОВ ШОХРУХ АНВАР ЎҒЛИ

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТ
ТАРМОҚЛАРИДАГИ ҚИЁСИЙ САМАРАДОРЛИГИ**

Мутахассислик: 5A230102 – «Иқтисодиёт»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Т.Умаров

ТОШКЕНТ – 2016

Диссертация Тошкент молия институти «Иқтисодиёт назарияси»
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

доцент Т. Умаров

Кафедра мудири

проф. Т. Жўраев

Магистратура бўлими бошлиғи

доцент У.Ортиқов

М У Н Д А Р И Ж А

бетлар

КИРИШ.....	3
I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг аҳамияти ва зарурлиги.....	9
1.2. Иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қулай инвестиция муҳитини яратиш.....	19
1.3. Иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини аниқлашнинг назарий-услубий асослари.....	30
Биринчи боб бўйича хулоса.....	38
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҲОЗИРГИ ДАРАЖАСИ.....	40
2.1. Иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш шароитида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳолати ва асосий тамойиллари.....	40
2.2. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти ва унинг самарадорлиги кўрсаткичлари.....	49
2.3. Ўзбекистон иқтисодий тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қиёсий самарадорлиги таҳлили.....	57
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	62
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ.....	64
3.1. Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш йўллари.....	64
3.2. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштириш.....	72
3.3. Республика иқтисодиёт тармоқларида хорижий инвестициялар самарадорлигини ошириш истиқболлари.....	78
Учинчи боб бўйича хулоса.....	78
ХУЛОСА.....	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	81
ИЛОВАЛАР.....	89

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Жаҳон амалиётидан маълумки, ҳар қандай давлат ўз иқтисодиётига хориж инвестицияларини жалб қилмасдан туриб ривожлана олмайди. Иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва уларни интенсив ривожлантириш, тармоқлар асосий фондларини янгилаш, мамлакат ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, замонавий техника-технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш хорижий инвестициялар орқали таъминланади.

Шу боисдан мустақиллик йилларида мамлакатимизда инвестиция муҳити барқарорлигини ва жозибadorлигини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилди, тегишли қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди, хорижий инвесторларга бир қатор молиявий имтиёзлар яратилди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «узоқни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди»¹, деб таъкидлаб, хорижий инвестицияларнинг иқтисодиёт тараққиётидаги ғоят муҳим аҳамият касб этишини ва уни кенг қўламда иқтисодиёт тармоқларига жалб этиш долзарблигини белгилайди.

Шу сабабдан ҳам мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шакл ва усуллари ўзгараётган ва ривожланаётган ҳозирги жараёнда миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш ва унинг самарадорлигини ошириш долзарб муаммолардан саналади. Қолаверса, Ўзбекистоннинг бугунги кунда йирик хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатлар қаторига кириши учун

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. НМИУ, Т.: Ўзбекистон нашриёти, 2015 й., 6-бет

барча иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий асос ва шарт-шароитлар яратилган. Лекин, Ўзбекистонга хорижий инвесторларни жалб қилиш ва улар киритаётган сармоялар миқдори ҳозирги давр талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам бозор ислохотларининг ҳозирги босқичида мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар самарадорлигини ошириш масалалари муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши лозим. Шу боисдан ҳам нафақат ички, балки хорижий инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларига фаол жалб қилиш билан бирга, унинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш фикримзча, долзарб муаммолардан биридир. Юқорида таъкидланган масалалар магистрлик диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади ҳамда уни танлашга асос бўлади.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва унинг қиёсий самарадорлигини ошириш юзасидан содир бўладиган ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар тадқиқот предметини ташкил этади. Тадқиқот объекти бўлиб, иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қиёсий самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларнинг бажарилишига асосланади:

- иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг аҳамияти, зарурлиги ва шарт-шароитларини ҳамда кенг қўламда модернизация қилиш жараёнида унинг ўрни ва аҳамиятини ёритиш;
- иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қулай инвестиция муҳитини яратишнинг аҳамиятини очиқ бериш;
- Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолатини қиёсий таҳлил қилиш ва унинг асосий

тамойилларини аниқлаш ҳамда улар юзасидан муҳим илмий хулосаларни шакллантириш;

– Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолатини ва унинг самарадорлигини тадқиқ этиш;

– Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш омиллари ва йўлларини тадқиқ этиш;

– Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий тармоқларидаги қиёсий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши миллий иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестициялар қиёсий самарадорлигини янада оширишга олиб келиши мумкин.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммолари ечимига қаратилган илмий ишлар қаторида Н.В.Игошин, Б.А.Кольтынюк, Н.Н.Левенцев, Г.М.Костюнина, А.С.Нешиной, И.В.Сергеев, И.И.Веретенникова, И.Ю.Ткаченко, Э.С.Хазанович ва бошқаларнинг илмий ишларини² келтириш мумкин. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлиги муаммоларига бағишланган масалалар И.Каримов асарларида, шунингдек, иқтисодчи-олимлардан Ангелиди М.С., Каримов Н.Г., Ғозибеков Д.Ғ, Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г., Тожибоева Д., Раимжонова М.А., Хошимов Қ.Б., Маматов Б.С. ва бошқаларнинг илмий ишларида³ ёритилган.

² Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник. – М.: «ЮНИТИ», 2007. – 413 с.; Кольтынюк Б.А. Инвестиционное проектирование объектов социально-культурной среды: Учебник. – СПб.: «Михайлова В.А», 2000. – 432 с.; Левенцев Н.Н., Костюнина Г.М. Международное движение капитала: инвестиционная политика зарубежных стран: Учебник. – М.: «Экономист», 2007. – 368 с.; Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд. – М.: «Дашков и К⁰», 2006.; Сергеев И.В., Веретенникова И.И. Организация и финансирование инвестиций. – М.: «Финансы и статистика», 2001. – 267 с.; Ткаченко И.Ю. Инвестиции : учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / И. Ю. Ткаченко, Н. И. Малых. – М.: «Академия», 2009. – 240 с.; Хазанович Э.С. Иностранные инвестиции: учебное пособие/ Э.С.Хазанович. – М.: «КНОРУС», 2011. – 312 с.

³ Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тизимида синдикат асосида кредитлаштириш. – Т.: «ТМИ», 2005. – 96 б.; Ғозибеков Д.Ғ.; Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия», 2003. 332 б.; Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010.; Тожибоева Д. Иқтисодий назарияси: Иккинчи китоб: Олий ўқув юрлари

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқотни амалга оширишда тизимли ёндашув, гуруҳлаш, қиёсий, иқтисодий таҳлил ва таққослаш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг натижалари ва хулосалари Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини яратиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат томонидан инвестицион фаолликни бозор муносабатларига ўтиш босқичлари талабларига мос тартибга солиб боришда қўл келиши билан муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Шунингдек, илмий изланишнинг натижа ва хулосалари олий таълим муассасаларининг иқтисодий йўналишдаги «Хорижий инвестициялар» фанини ўқитишда ҳамда инвестициялар билан боғлиқ ўқув қўлланма ва дарсликларни яратиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

– хорижий инвестицияларнинг назарий асослари тадқиқ этилган, мазмун-моҳияти тавсифланган ва таснифланган, унинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

– Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш ва ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг роли очиб берилган, уни жалб қилишнинг зарурлигини белгиловчи омиллар асосланган ҳамда асосий тамойиллари шакллантирилган;

– миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар гуруҳлаштирилди, шунингдек, инвестиция муҳити жозибadorлигини ошириш омиллари аниқланган;

– хорижий инвестициялар учун ҳудуд жозибadorлигини (мафтункорлигини) баҳолашнинг BЕРI индексининг аҳамияти ёритилган;

талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарк», 2003.; Раимжонов М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёз. дисс. автореф. – Т.: «БМА», 2012.; Ҳошимов Қ.Б. Чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқт. фан. номз. илмий дар. олиш учун ёз. дисс. Автор. – Т.: «ЎМУ», 2004. – 24 б.; Маматов Б.С. ва бошқ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. Тошкент молия институти. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2013. – 784 б.

– хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари ўрганилган, таҳлил қилинган ва бу борада муҳим илмий хулосалар шакллантирилган;

– Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва самарадорлигининг ҳозирги даражаси таҳлил қилинган, унга оид тамойиллар аниқланган ва улар юзасидан амалий аҳамиятга молик илмий хулосалар шакллантирилган;

– миллий иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилиши ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолияти самарадорлигитадқиқ этилган ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган;

– миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш ва қиёсий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши кириш, 8 та параграфни қамраб олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация матни 93 бетдан иборат бўлиб, унда 12 жадвал, 9 та расм ва 4 та илова берилган.

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги, тадқиқот объекти ва предмети, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот усуллари, мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили, илмий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда илмий янгиликлари ёритилган.

Диссертациянинг биринчи бобида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурлиги ва шарт-шароитлари, хорижий инвестицияларни жалб қилишда қулай инвестиция муҳитини яратишнинг аҳамияти ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари ёритилган. Диссертациянинг иккинчи бобида Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳолати ва тамойиллари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти ва унинг самарадорлиги

хамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва унинг устуворликлари тадқиқ этилган. Диссертациянинг учинчи бобида Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш йўллари аниқланган ва иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг хулоса қисмида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш юзасидан умумий хулосалар шакллантирилган ва унинг қиёсий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг аҳамияти ва зарурлиги

Мамлакат иқтисодиёти биринчи галда унинг тараққий этишидаги муҳим омил унга киритилган инвестициялар ва унинг самарадорлигига боғлиқлиги бир қанча мамлакатимиз ва хориж иқтисодчи олимлари томонидан нашр этилган ўқув адабиётлари ва манбаларида зикр этилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда инвестициялар ҳақиқатдан ҳам жуда кўп бора тилган олинадиган мавзулардан бири бўлмоқда. Чунки, инвестициялар айниқса, хориж инвестицияларининг мамлакат иқтисодиётига киритиш ва шу орқали иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бугунги кундаги анчагина долзарб вазифалар сирасига кириб бормоқда. Эътиборлиси, қайси соҳа ва тармоқга инвестицияларни йўналтириш, бевосита унинг тараққиётини белгилаш билан бирга мамлакатнинг ривожланиш йўлида тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммоларнинг ечимини ўз вақтида барҳам топишига имкон яратмоқда. Инвестиция⁴ (лот. *investio* – ўраш) – иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатада ёки хорижда турли тармоқларга, ижтимоий-иқтисодий дастурларга, инновация, тадбиркорлик лойиҳаларига узок муддатли капитал киритиш (қўйиш)дир. Анъанавий тарзда инвестиция деганда келгусида кўзда тутилган даромадларни олиш мақсадида ҳозирда аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш тушунилади. Инвестиция моҳиятини тавсифлашдаги бундай ёндашувга миллий, шу билан бирга, хорижий иқтисодий адабиётларда бирламчи эътибор берилади.

Таъкидлаш жоизки, хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳияти хусусида кўплаб иқтисодчи-олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Мамлакатмиз иқтисодчи олимларидан Д.Ғозибековнинг хорижий инвестициялар тўғрисидаги назарий қарашларида қуйидаги фикрлар баён

⁴ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: «ЎМЭ» давлат илмий нашриёти. 2002. 4-том. – Б. 145.

этилган: «Чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, ҳуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради»⁵. Ушбу фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хорижий инвестициялар бир мамлакат иқтисодиётидан мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётига кўчувчи капитал бўлиб, у рисклар доираси кенглиги билан ички инвестициялардан фарқланади. Шунингдек, «чет эл инвестициялари мамлакатлар учун ташқи молиялаштиришнинг зарурий ва муҳим манбаи бўлгани ҳолда, ўзи билан бирга, жуда кўп пайқаладиган ва сезилмайдиган активлар, турли-туман технологик, ахборот, молия оқимларини, менежмент малакаларини, жаҳон бозорларидаги иш тажрибаларини ва бошқаларни олиб киради. Уларга мамлакатлараро ҳаракатланиш, яъни кўчиб юриш, фаолият юритишнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини алмаштириш, қўшимча рисклар билан тўқнашиш ва аниқ мақсадлар хос»⁶.

Яна бир мамлакатмиз иқтисодчи олимларидан Н.Қўзиевнинг илмий ишларида хорижий инвестицияларнинг моҳияти тўғрисида: «Келгусида фойда олиш мақсадида капитални экспорт қилувчи хорижий давлатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг капитални қабул қилувчи мамлакатларга турли кўринишдаги бойликлар (кўчар, кўчмас мол-мулк, интеллектуал бойликлар ва бошқ.) ва улардан олинган даромадлар (фойда, фоизлар, дивидендлар, лицензия ва комисион мукофотлар, роялти, техник таъминот ва бошқа мукофотлар)ни қўйилишига хорижий инвестициялар дейилади»⁷, деган таъриф келтирилган. Унинг фикрича, хорижий инвестицияларни турли белгиларига асосланган ҳолда таснифлаш уларнинг иқтисодий моҳиятини янада ойдинлаштиради.

⁵ Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия», 2003. – Б. 45.

⁶ Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия», 2003. – Б. 45.

⁷ Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёз. дисс. автореф. – Т.: БМА, 2008. – Б. 11.

Иқтисодчи олимлардан Қ.Хошимов ўз илмий ишида: «чет эл инвестициялари – чет эл мулкдорлари томонидан маълум капитални бир иқтисодиётдан мутлоқ бошқа мамлакат иқтисодиётининг қонун билан таъқиқланмаган турли тармоқларига аниқ ва ноаниқ рискларни ҳисобга олган ҳолда, ўз манфаатига эришиш, нисбатан юқори даражада самара олиш мақсадида муайян муддатга сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликлардир»⁸, деган мазмунда таъриф берилган.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида: «чет эл инвесторлари асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари»⁹, деб эътироф этилган.

Бизнинг фикримизча, хориждан инвестициялаш капитал оқимининг бир иқтисодиётдан бошқасига чиқиб кетишини билдиради, бойликларни янада фойдалироқ шартларда жойлаштириш ва инвестициялар хорижликка – капитал эгасига қайтишига қадар нисбатан узоқ вақт давомида маблағлар оқимини таъминлаш мақсадларини назарда тутди. Уларга мамлакатлараро кўчиб юриш хос бўлиб, хорижий инвестициялар моҳият жиҳатидан ўз миллий инвестиция муҳитини ўзга муҳитга алмаштиради. Хавфсизлик, даромадлилик, капиталлашув ва ликвидликдан ташқари хорижий инвестицияларнинг ўзига хос муҳим белгиси – аниқ мақсадларни кўзлаши ҳисобланади. Уларнинг эътиборини тортувчи иқтисодиёт ҳам ўз мақсадларига эришишга интилади. Бу мақсадлар самарадорлик, ишлаб чиқаришни ўстириш, бозорларга кириб бориш каби вазифалар бўлиши мумкин. Шу сабабли, ўзаро манфаатларнинг мос тушиши, ишончли муносабатлар, кириб бориш шароитларини ҳисобга

⁸ Хошимов Қ.Б. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқт. фан. ном. илм. дар. ол. уч. ёз. дис. автор. – Т.: БМА, 2004. – Б. 7.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни. // «Халқ сўзи», 1999 йил 12 январь. – №7. – Б. 1.

олиш инвестицияларнинг бир мамлакатдан бошқасига кўчишининг асоси ҳисобланади (Қаранг: 1-илова). Хорижий инвестициялар ички инвестициялардан фарқли равишда мамлакат, валюта, миллийлаштириш, реквизиция каби қўшимча рискларга тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади. Демак, уларнинг рисклар доираси анча кенг.

Хорижий инвестицияларни мулкчилик шаклига кўра хусусий, давлат, хорижий ва аралаш инвестицияларга таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Хорижий инвестицияларни йўналиш объектига қараб, молиявий ва реал инвестицияларга ҳам ажратиш мумкин. Ривожланган мамлакатларда молиявий инвестицияларнинг таркибида асосий ўринни хусусий мулк эгаларининг инвестициялари ташкил этади. Хорижий инвестицияларнинг таркибини қўйидагича гуруҳлаш мумкин (Қаранг: 1.1-расм).



1.1-расм. Хорижий инвестицияларнинг таснифланиши¹⁰

Хорижий инвестициялар таркибидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши учун муҳим аҳамиятга

¹⁰ Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. ўқув қўлланмасидан фойдаланган ҳолда магистрант томонидан шакллантирилди.

эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан кўпроқ миқдорда капитал жамғариш, тўлов балансини қўллаб-қувватлаш ва импорт қилиш имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар алоҳида корхоналарнинг фаолияти, ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Ушбу жараёнлар маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар, буюртмачилар, рақобатчиларга билвосита таъсир кўрсатиш орқали ички бозорни ривожлантириш, ишчиларнинг малакаси ва амалий тажрибасини оширишда ёрдам беради. Хорижий инвестицияларнинг юқорида қайд этилган турлари ўзига хос белгиларга эга (Қаранг: 1.1-жадвал)

1.1-жадвал

Хорижий инвестицияларнинг ўзига хос белгилари¹¹

Белгилари	Тўғридан –тўғри хорижий инвестициялар	Портфел инвестициялар
Кириб келишининг асосий мақсади	Хорижий фирмани назорат қилиш	Юқори фойда олиш
Мақсадга эришиш йўллари	Хорижда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва юритиш	Хорижий қимматли қўғозларни сотиб олиш
Мақсадга эришиш усуллари	– хорижий фирмага тўлиқ эгалик қилиш; – акциялар назорат пакетини сотиб олиш (Халқаро валюта фонди тавсиясига кўра компания акциядорлик капиталининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги керак);	Хорижий фирма акциядорлик капиталининг камида 25 фоизини сотиб олиш (АҚШ, Япония ва Германияда – 10%)
Даромад шакллари	Тадбиркорлик фойдаси, дивидендлар	Дивидендлар, фоизлар


Хорижий инвестицияларни ички инвестициялардан фарқли жиҳатларидан бири, уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча уч гуруҳга ажратилган барча рискларнинг олдиндан ҳисоблаб чиқилишидадир (1.2-расм).

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳиятини англашда унинг хусусиятларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Хорижий инвестицияларнинг

¹¹ Жадвал маълумотлари Ливенцев Н.Н. Международное движение капитала: инвестиционная политика зарубежных стран. Учебник для вузов. – М.: «Экономист», 2004. – Стр. 8-9. дарслигидан фойдаланган ҳолда мустақил шакллантирилди.

қўйидаги хусусиятларини таъкидлаш мумкин: хорижий инвестициялар бир иқтисодиётдан иккинчисига кўчаётган капитал; капитални ўзга мамлакатга қулайроқ қилиб жойлаштириш мақсади; қўйилган сармоя эгасига қайтиб келгунга қадар нисбатан узоқ муддат давомида юқори фойда кўриш; қўшимча рискларга эга бўлиш; аниқ мақсадларга интилиш (юқори даромад олиш, янги бозорларни эгаллаш, ишонч қозониш); ўзга мамлакат қонунчилигидан, имкониятларидан фойдаланиш асосида вақтдан унумли фойдаланган ҳолда ўз капиталини ўстириш; рағбатлантириш тизими, кафолатлар, имтиёзлар, ишончли ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг йўлга қўйилишини талаб этиши; ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни четга олиб чиқиш йўли билан маҳсулотни арзонлантириш, янги бозорларни эгаллаш, юқори даромад олиш, бойликларни янада фойдалироқ жойлаштириш; ўз миллий ҳуқуқий шароитларини ва ўз миллий инвестиция муҳитини капитал қабул қилувчи ўзга мамлакат миллий ҳуқуқий шароитларига, ўзга инвестиция муҳитига алмаштириш.

— ўз миллий ҳуқуқий шароитларини ва ўз миллий инвестиция муҳитини капитал қабул қилувчи ўзга мамлакат миллий ҳуқуқий шароитларига, ўзга инвестиция муҳитига алмаштириш.



1.2-расм. Хорижий инвестициялар билан боғлиқ рисклар¹²

Хорижлик инвесторлар томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулк, молиявий, интеллектуал бойликлари хорижий инвестициялар бўлиб, у ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради. Улар миллий иқтисодиётга четдан, уларнинг қилишини рағбатлантирган ҳолда жалб қилинади.

Бир вақтнинг ўзида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш қатор ижобий самаралар келтиради. Хусусан, хорижий

¹² Магистрант томонидан ишлаб чиқилди.

инвестицияларни жалб қилиш рақобатбардош маҳсулотларга, замонавий ишлаб чиқаришга юзма-юз келиш, талабга мувофиқ сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятидир. Хорижий сармоядорлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш орқали жаҳон амалиётида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш асосида қуйидаги самараларга эришиш мумкин бўлади:

- энг замонавий технологияларга эга бўлган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолиятини йўлга қўйиш, янги технология, замонавий жиҳозларни, юқори унумли ускуналарни қўлга киритиш;
- янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш;
- ихчам, амалга оширилган харажатларни тез суръатлар билан қоплайдиган, юқори самара берадиган корхоналарни куриш;
- замон даражасида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ўз манфаатларига эришиш;
- қўшма корхоналар тузиш, илғор тажрибага эга бўлиш, бошқарувни, рақобатни тўғри йўлга қўйиш;
- бозор талабини қониқтирадиган маҳсулот (хизматларни) етиштириш, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини дунё бозори талабларига жавоб берадиган қилиб етказиш;
- тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва уни янада кенгайтириш имкониятларини қўлга киритиш, даромадни кўпайтириш, юқори самарага эришиш, сарф этилган маблағларни ҳеч қандай талофат ва йўқотишларсиз тез фурсатда қоплаш;
- жаҳон бозорида ўзининг мустақкам мавқени эгаллаш;
- мамлакат экспорт имкониятларини кенгайтириш ва жаҳон бозорида «қаттиқ» валюта ишлаб топишни ўрганиш;
- мамлакат хазинасини тўлдириш;
- ички ва ташқи бозорга олиб чиқиладиган маҳсулотлар (иш, хизмат)га бўлган талабни қондириш;
- миллий ва жаҳон иқтисодиёти равнақи ва жамият фаровонлигини

ошириш.

Ушбу рўйхатни янада давом эттириш мумкин, чунки хорижий шериклар билан ҳамкорлик ўрнатиш, улар билан қўшма фаолият олиб бориш миллий иқтисодиётда туб тузилмавий ўзгаришларга олиб келади, мамлакат қудратини янада ошириб, миллий валюта мавқеини мустаҳкамлайди, аҳоли фаровонлигини таъминлаб, турмуш тарзини яхшилайд.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра, хорижлик инвесторлар хорижий давлатлар, ажнабий фуқаролар, фуқароларнинг уюшмалари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижда доимий равишда яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бекиёсдир. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ишлаб чиқариш капиталини тўғридан-тўғри товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтиришни англатади. Бундай инвестициялар қўйидаги шаклларда амалга оширилади: у ёки бу корхона (фирмалар)лар акциясининг назорат пакетини сотиб олиш орқали; ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини қуриш орқали; қўшма корхоналарни барпо этиш орқали ва ҳ.к.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳар қандай ҳолатда ҳам хорижий инвесторга инвестициялаш объекти бўлган корхона, фирмаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришда самарали иштирок этишини таъминлайди.

Хорижий инвесторлар учун яратилган қулай бизнес муҳити, кенг ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар тизими, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рағбатлантиришга қаратилган бутун бир чора-тадбирлар мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини тубдан кўпайтириш имконини берди. Натижада 2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилдагига нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар –

корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини куришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди. Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир¹³.

2013 йилда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди¹⁴.

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак хорижий инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларни қондириш имкониятларини ўрганиб чиқишга асосланади. Бунинг учун бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта куришга қаратилган бир қатор аниқ лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади ва иккинчи томондан, ички инвестиция ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади.

Ишлаб чиқаришни халқаролаштириш замонавий иқтисодиётнинг асосий

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси: 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // «Тошкент окшоми», 2014 йил 20 январ, №13. – Б. 2.

¹⁴ Булар қаторида Тошкент иссиқлик электр марказида когенерацион газ турбинали технологияни жорий этиш; Жанубий Ўртабулоқ – Муборак газни қайта ишлаш заводи газ қувурини ва компрессор станциясини барпо этиш орқали Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулоқ конларини тўлиқ жиҳозлаш; «Ангрен» конини модернизация қилиш орқали Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг 1-5-энергия блокларини йил давомида кўмир билан ишлашга ўтказиш; «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида «Оҳангарон» подстанциясини реконструкция қилиш, «Бекобод цемент» очик акциядорлик жамиятида янги линия куриш ҳисобидан фаолият кўрсатаётган цемент ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, «Қуюв-механика заводи» шуъба корхонасида металл қуйишни реконструкция қилиш ва бошқа йирик лойиҳалар борлигини алоҳида қайд этиш лозим.

белгиларидан биридир. Ҳозирда «очик» иқтисодиёт жаҳон ҳўжалиги билан уч асосий йўл – товарлар ва хизматлар кўрсатиш бўйича халқаро савдо, халқаро сармоя ҳаракати, миллий валюталарни халқаро айирбошлаш воситасида боғланган.

Бой минерал ресурсларнинг мавжудлиги кўплаб хорижий компания ва фирмаларни кизиқтирмоқда, улар бу соҳаларни ривожлантириш учун иқтисодиётимизга маблағ киритишга тайёрликларини билдиришмоқда. Айнан мана шу тармоқлар республиканинг иқтисодий мустақиллигини, барқарорлигини таъминлайди ва халқ ҳўжалиги барча тармоқларининг жадал ўсиши, бўлғуси юксалишнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, республика иқтисодиётининг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб қилишнинг зарурлиги қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади:

– ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, уларнинг қайта тиклашга ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ёки умуман, янгилашга оид бўлиб қолганлиги;

– саноат тармоғида моддий-техника базасининг ўта пастлиги ва кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги;

– республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг истеъмол томонга оғиши устунлиги ва бунинг натижасида жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида ҳануз камлиги;

– Ўзбекистоннинг табиий бойликларга бойлиги ва бу ерда кўплаб қайта ишловчи корхоналарни қуриш имкониятининг мавжудлиги;

– аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги (меҳнат ресурслари) ва кичик замонавий ихчам корхоналарни барпо этиш, уларни меҳнат ресурсларининг манбаи бўлмиш қишлоқ ҳудудларида барпо этишнинг муҳимлиги;

– республика экспортида хом ашё салмоғини камайтириш ва сифатли, юқори талабларга жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш зарурлиги ва бошқалар.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хорижий

инвестицияларнинг роли ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, бошқарув тажрибаларини ўзлаштириш, ишсизлик муаммосини ҳал этишга қўмаклашиш, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кўплаб қайта ишловчи корхоналарни куриш билан изоҳланади.

1.2. Иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қулай инвестиция муҳитини яратиш

Барчамизга маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси ва шунингдек, олиб борилаётган давлат инвестиция сиёсатининг самарадорлиги ва ўсиш суръатлари албатта қулай инвестицион муҳитга боғлиқ бўлади. Қулай инвестицион муҳитни яратиш инвестиция ресурсларини жойлаштириш учун умумий мезон бўлиб хизмат қилиб, биринчи галда, капитал маблағларининг даромадлилигини таъминлаб беради.

Маълумки, иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Хорижлик инвесторлар қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш. Бунга мисол қилиб хорижий инвестиция иштирокидаги корхона (ХИИК)ларни (устав капиталининг камида 30 фоизи хорижлик инвесторга тегишли бўлиши керак) келтириш мумкин, яъни қўшма корхоналар ташкил этиш хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг энг оммабоп шакли ҳисобланади.

2. Хорижлик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш, яъни соф хорижий инвестицияли корхоналар

ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Бунда жами (100 %) устав капитали хорижлик инвесторга тегишли бўлади.

3. Мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш асосида хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

4. Интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек, ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

5. Концессиялар, шу жумладан, табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш асосида хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

6. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар-жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан, ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали хориж сармоясини жалб қилиш.

7. Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

8. Халқаро лизинг амалиётини ривожлантириш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, инвестиция фаоллигининг ўсиш суръатлари инвестиция муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Хорижий инвестицияларни республика иқтисодиётига жалб этиш учун зарурий шарт-шароитлар яратилиши муҳимдир, у, қачонки, қайси мамлакатда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд (ижобий) бўлсагина ўша давлат иқтисодиётига қўйилиши мумкин. Инвестиция муҳитининг жозибадорлиги хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўз навбатида, инвестиция

муҳити ўзи нима? Унинг жозибадорлиги нималарга боғлиқ? Инвестиция муҳитига қандай таъриф бериш мумкин? Қолаверса, инвестиция муҳитига қандай омиллар таъсир кўрсатади? қаби саволларнинг туғилиши, табиийдир.

Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан А.Вахабов, Ш.Хажобакиев, Н.Муминовлар инвестиция муҳити тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтадилар: «Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инкироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси қаби кўрсаткичларга эга»¹⁵. Шунингдек, мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи инвестиция муҳитини англатади.

«Инвестиция муҳити» ва «инвестиция иқлими» синоним тушунчалар сифатида ишлатилади. Бу хусусда иқтисодчи-олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевлар томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: «Инвестиция иқлими жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади»¹⁶.

Инвестиция муҳитининг ҳолатини инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, экологик ва бошқа шарт-

¹⁵ Вахабов А.В., Хажобакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 153.

¹⁶ Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: «ТМЙ», 1993. – Б. 46.

шароитларнинг умумлаштирувчи хусусиятлари белгилаб беради. Инвестиция муҳити деганда, мамлакат иқтисодиёти ёки унинг маълум бир ҳудудига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий, экологик, маданий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади. У муайян ҳудудга инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини белгилайдиган шарт-шароитларнинг мавжуд ижобий ва салбий томонларини англатади.

Инвестициявий жозибадорлик – мамлакат, тармоқ ёки алоҳида олинган бирор-бир корхона инвестицияларининг даромадлилиги, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция risks даражаси нуқтаи назаридан баҳоланиши. Инвестициявий жозибадорлик инвестиция салоҳияти ва инвестиция risks даражасини шакллантирадиган икки гуруҳ омилларнинг бир вақтда таъсир этиши орқали аниқланади. Бу каби кўрсаткичларга баҳо бериш орқали инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда жозибадорлиги, инвестиция risks даражасини аниқлаш мумкин.

Инвестиция муҳитини таърифлашда ва унинг ҳолатига баҳо беришда қуйидагиларни инобатга олиш зарурдир:

– жами ички маҳсулот, миллий даромад ва саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ёки камайиши; миллий даромаднинг тақсимланиши; жамғарма ва истеъмол муносабатларининг ўзгариши; хусусийлаштириш жараёнларининг бориши; маъмурий йўл билан инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг ҳолати; алоҳида инвестиция бозорларининг, шу жумладан, фонд ва пул бозорларининг тараққиёти;

– инвестиция иқлимига таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олиш. Бу омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти, яъни минтақанинг пул маблағлари билан таъминланганлиги; ишлаб чиқариш ва инвестицияларни йўлга қўйиш учун бўш ерларнинг мавжудлиги; меҳнат ва энергия ресурслари билан таъминланганлик даражаси; илмий-техникавий салоҳиятнинг ривожланганлик

даражаси; олиб борилаётган умумий хўжалик юритиш шарт-шароитлари, яъни экологик ҳолат, моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланганлиги; тугалланмаган қурилишларнинг ҳажми; асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириш даражаси; уй-жой қурилиши соҳасининг тараққий этганлиги;

– минтақада бозор муҳитининг таркиб топганлиги, яъни тўлақонли бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги, хусусийлаштиришнинг инвестиция жараёнига таъсири, инфляция даражаси ва таъсири, аҳолининг инвестиция фаолиятига жалб этилиш даражаси, тадбиркорлар ўртасида рақобат муҳитининг ривожланганлик даражаси, хўжаликлараро алоқаларнинг фаоллик даражаси, экспорт имкониятлари, хорижий капиталнинг мавжудлик даражаси;

– сиёсий омиллар, яъни аҳолининг минтақа ёки мамлакат ҳокимият органларига ишончи даражаси, минтақа раҳбариятининг марказий давлат раҳбарияти билан муносабатлари, ижтимоий барқарорлик даражаси, миллий, диний муносабатларнинг аҳволи;

– ижтимоий ва маданий омиллар, яъни аҳоли ҳаёт даражаси, маиший-яшаш шароитлари, тиббий хизматнинг ривожланганлиги, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва шунга ўхшаш салбий одатларнинг аҳоли ўртасида тарқалганлик даражаси, жиноятчилик даражаси, ҳақиқий иш ҳақининг ўртача миқдори, аҳоли кўчишининг инвестиция жараёнига таъсири, аҳолининг ўз давлати ва чет давлат тадбиркорларига нисбатан муносабатлари, хорижлик мутахассисларнинг ишлаши учун шарт-шароитлар;

– ташкилий-ҳуқуқий омиллар, яъни ҳокимиятнинг ўз ва чет давлат инвесторларига муносабати, минтақа раҳбариятининг инвестицияга доир қонун ва меъёрларга амал қилиши; корхонани рўйхатдан ўтказиш муаммолари ва уни ҳал қилиш даражаси, маълумотларни олиш имкониятлари, маҳаллий маъмуриятнинг малакавий даражаси, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари фаолиятининг самарадорлиги, товарларни, капитални ва ишчи кучини ташиш ва кўчириш шарт-шароитлари, маҳаллий тадбиркорларнинг ишчанлик сифатлари ва маданий-ахлоқий даражаси;

– молиявий омиллар, яъни минтақа бюджетининг даромадлари, аҳоли

жон бошига бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари билан таъминланганлик даражаси, марказий ва минтақа бюджетларидан молиявий маблағлар олишнинг имкониятлари, хориж валютасида кредит олиш имкониятлари, банк кредити фоизлари даражаси, банклараро ҳамкорликнинг ривожланганлиги, ҳар минг аҳолига банк кредитларининг тўғри келган қисми, узоқ муддатли кредитларнинг умумий кредит қўйилмаларидаги салмоғи, аҳоли жон бошига тўғри келадиган омонатлар миқдори, зарар қўриб ишловчи корхоналарнинг умумий корхоналар таркибидаги улуши ва бошқалар.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган омиллар минтақанинг инвестиция муҳитини етарлича ифодалаб бера олади.

Қулай инвестиция муҳитини яратишнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳуқуқий-меъёрий база бўлиб, у ҳар бир салоҳиятли инвесторнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялаши, кафолатлаши ва шунингдек, мамлакатдаги мавжуд инвестиция механизмининг тушунарли ва аниқ бўлишини таъминлаши лозим. Содда қилиб айтганда, инвестиция муҳити инвестиция муносабатларини амалга ошириш мумкин бўлган имкониятлар ва қўлайликлар мажмуасини ўзида акс эттирган воқеликдир. Инвестиция муҳитини яхшилашдан мақсад инвестиция салоҳиятини ошириш учун зарур ва мақбул шарт-шароитларни яратиш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва пировардида, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини яратишдан иборат.

Мамлакатнинг инвестиция муҳитини шакллантирадиган омиллар мажмуини 1.2-жадвал орқали ифодалаш мумкин.

Мамлакатнинг инвестиция муҳити ва уни белгиловчи омиллар¹⁷

Омиллар	Мазмуни
Иқтисодий ҳолат	Мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта-пул тизими барқарорлиги, ташки иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги, ички бозор сиғимининг катталиги, инфляция даражаси, ялпи ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари
Ҳуқуқий база	Янги шароитларга мос келадиган, мамлакат ва унинг алоҳида тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқарадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Қонунлари, республика Президентининг фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, тегишли низом ва йўриқномаларнинг мавжудлиги
Табиий хом ашё ресурслари	Минерал, хом ашё, ёқилғи-энергетика ва сув ресурслари захиралари, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ишлаб чиқариш ҳажмлари
Меҳнат ресурслари ва бандлик	Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишсизлик даражаси, хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси, аҳолининг саводхонлиги
Ишлаб чиқаришнинг техник базаси	Асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ускуналарнинг фойдаланиш муддати, асосий фондларнинг эскириши даражаси
Илмий-техника салоҳияти	Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажмлари, инвестиция рисклари даражаси, ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиши, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ва илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари соҳасини ривожлантириш ҳолати, маҳсулотнинг фан сиғимкорлиги катта ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш
Молия-кредит тизими	Солиқ ва кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фойдалилик ва рентабеллик даражаси, нарх сиёсати
Инфратузилма	Банк тизимининг ривожланиши ҳолати, транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона хўжалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматлари, суғурта соҳаси тармоғининг ишончлилиги
Экологик вазият	Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, радиацион фон, зарарли чиқиндилар, табиий иқлим ва унинг ўзгариши

Ҳар қандай давлатга инвестицияларнинг кириб келиши ва ривожланиши мазкур мамлакатдаги инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларга бевосита боғлиқ бўлади. Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар, асосан, тўрт гуруҳга бўлиниб, улар ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни ташкил этади (1.3-жадвал).

Ўзбекистонда жаҳон талабларига мос, миллий хусусиятларга хос инвестиция дастурлари ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун қуйидаги қўшимча чора-тадбирларни бажариш лозим бўлади: иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни пропорционал

¹⁷ Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 174.

жалб этишнинг умумлашган аниқ дастурини ишлаб чиқиш; тармоқ хусусияти ва иқтисодиёт ривожига қараб эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш; тармоқлардаги масъул ходимларнинг хорижий инвестицияларни жалб этишдаги фаоллиги ва масъуллигини ошириш; тармоқларда алоқа, телекоммуникацияни ривожлантириш орқали инвесторларнинг эркин ва тўлиқ ахборотлар олишини таъминлаш.

1.3-жадвал

Инвестиция муҳити ҳолатини белгиловчи кенгайтирилган омиллар

Таъсир этувчи омиллар гуруҳи	Кўринишлари
СИЁСИЙ ОМИЛЛАР	1. Давлатнинг инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялар бўйича сиёсати 2. Давлатнинг иқтисодиётга аралаштириш даражаси 3. Мамлакатнинг халқаро шартномаларга қўшилганлик даражаси 4. Мамлакатнинг халқаро битимларга риоя қилиши 5. Сиёсий аҳволнинг барқарорлиги (сиёсий ҳаракатлар, тўқнашувлар, қўшни давлатларнинг осойишталиги) 6. Сиёсий ҳокимиятнинг мақсадли ҳаракати 7. Давлат апаратининг самарали иш юритиши 8. Кўп партиявийлик ва сиёсий гуруҳларнинг мавқеи 9. Солиқ, валюта, нарх, пул-кредит сиёсатининг инвестиция сиёсатига уйғунлиги 10. Мамлакатдаги экологик вазият ва ҳукуматнинг экологик соғломлаштириш бўйича сиёсати қўлами
ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР	1. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи 2. Инфляция даражаси 3. Солиқ имтиёзлари 4. Божхона тартиби 5. Мамлакатнинг табиий ва хом ашё ресурслари ҳолати 6. Ишчи кучи ҳолати ва қиймати 7. Ишчи кучидан фойдаланиш тартиби 8. Муайян товарлар учун талаб ва таклиф 9. Рақобат ва баҳонинг эркинлиги 10. Валюта конвертацияси ва миллий валюта курсининг барқарорлиги 11. Банк фоиз ставкалари 12. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари 13. Мамлакатнинг географик-ҳудудий жиҳатдан жойлашуви (табиий офатлар, денгиз ва қуруқлик йўллари, иқлим шароити)
ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАР	1. Хусусий мулк ҳамда хорижий инвестицияларга нисбатан маҳаллий аҳоли муносабати 2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи 3. Аҳолининг мафкуравий қарашлари ва уларнинг турли-туманлиги 4. Мамлакатда турли миллатликка нисбатан мавжуд муносабат 5. Аҳолининг саводхонлик даражаси 6. Ишчи-мутахассислар малакаси, кўникмалари ва тажрибаларининг ўсиб бориши 7. Янгиликлар ва турли хил ихтироларга аҳолининг муносабати ва уларни қабул қилиш даражаси
ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАР	1. Инвестиция фаолияти ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамлик даражаси 2. Инвестиция фаолиятини бевосита таъминловчи ҳуқуқий асоснинг мустаҳкамлик даражаси 3. Инвестиция фаолиятининг меъёрий асослари (фармонлар, қарорлар, қонунлар, низомлар, йўриқномалар ва ҳ.к.)

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва хорижий инвесторларни республикага кўпроқ жалб этиш мақсадида қатор солиқ ва божхона имтиёзлари белгиланган.

Ҳар бир мамлакатдаги инвестиция муҳити, биринчи навбатда, унинг сиёсий барқарорлигидадир. Худди ана шу омил хорижлик инвесторларнинг бошқа мамлакатга узоқ муддатли шартномалар асосида ресурсларни киритиш имкониятини беради. Бундай муҳит узоқ муддатли инвестиция режаларини амалга оширишда жуда муҳимдир. Ўзбекистондаги инвестиция муҳитининг асосий хусусияти унинг Марказий Осиёда энг барқарор мамлакат эканлигидадир. Албатта, бу ерда хорижий инвестор у ёки бу мамлакатда ўз капиталининг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига, биринчи навбатда, эътиборини қаратади. Шундан кейин, у ўз капиталидан фойда олишнинг қанчалик самарадорлиги ҳақида ўйлаб кўради. Демак, инвестиция муҳити инвестор учун шундай бир шарт эканки, унда инвестор у ёки бу мамлакатга киритаётган капиталнинг rischi ҳақида ўйлаб куради. Бунинг учун у капитал riskига таъсир этувчи қўйидаги омилларни эътиборга олади:

- мамлакат ичкарасидаги сиёсий барқарорлик;
- минтақадаги яқин қўшничилик муносабатлари;
- ҳукуматнинг инвестиция муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қонун-қоидаларининг мукамаллик даражаси.

Ўзбекистонда инвестиция муҳити йилдан-йилга барқарорлашиб бораётган бўлса-да, лекин, ҳозирча иқтисодиётга йирик ҳажмдаги инвестициялар аста-секинлик билан кириб келмоқда. Бунга: Ўзбекистоннинг денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмаслиги; телекоммуникация алоқаларининг суст ривожланганлиги; иқтисодиётда миллий валюта қадрининг эркин алмашадиган валюта курсига нисбатан пастлиги; айрим қонунлар ва меъёрий ҳужжатлардаги камчиликларнинг мавжудлиги ва хусусан, фойдали қазилмалар бўйича махсус қонунларнинг қабул қилинмаганлиги; кредит тизимидаги, валютани конвертациялашдаги мавжуд камчиликлар ва қимматли қоғозлар бозорининг эндиgina ривожланиб

келаётганлиги кабилар сабаб бўлмоқда, деб биламиз.

Демак, бугунги кунда республика иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига яқинлаштириш зарур. Бунинг учун ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатиш, товарларни экспорт-импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат олиб бориш лозим. Бунда инвестиция рискинни эътиборда тутмоқ жуда муҳимдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, республикада муайян даражада хориж капиталини қабул қилиш тизими шаклланган. Бунда хориж капиталига нисбатан давлат сиёсатини ифода этадиган ҳуқуқий меъёрлар, қоидалар ва муассасалар мажмуи назарда тутилади. Хориж капиталини қабул қилиш тизими инвестиция муҳитининг таркибий қисмига киради ва айти пайтда мустақил ҳисобланади, чунки бу тизимни ўзгартириш хусусиятига эга. Бу тизимнинг элементлари қуйидагилардан иборат; хориж капитали учун солиқ ва божхона имтиёзларини бериш; фойдани бошқа иқтисодиётга ўтказишнинг қулай режими; миллийлаштиришдан қафолатлар; рўйхатдан ўтказишнинг оддий тартиб қоидалари; концессиялар бериш; эркин иқтисодий зоналар барпо этиш; акциядорлик капиталида ҳиссани чеклаш; нархларни назорат қилиш; ташқи савдо операцияларини лицензиялаш ва бошқалар.

Қулай инвестиция муҳитини ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш беқиёс аҳамиятга эга. Солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини тўрт жиҳатдан олиб қараш мумкин, улар: солиқ тўлашдан вақтинчалик озод қилиш; солиқ ставкасини қамайтириш; солиққа тортиладиган базани торайтириш; солиқ мажбуриятини бажаришни кечиктириш (солиқ кредити). Қайд қилинган рағбатлар у ёки бу даражада хориж инвестициялар иштирокидаги кенг доирадаги корхоналар учун татбиқ этилади. Рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларининг амал қилишини, шунингдек, инвестицияларни инсон капиталига, технологик ўсиш ва техника билимлари соҳаларини ривожлантиришга, кенгайтиришга ҳам жорий қилиш

керак. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда инвестиция муҳитини моделлаштириш масаласини кун тартибига қўяди. Бу модел хорижий инвесторга таъсир кўрсатадиган омиллар тўғрисида мукамал маълумот тўплаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятни яққол баҳолаш ҳамда хорижлик шериклар ҳаракатлари мотивациясини англаш, хориж инвестицияларини тартибга солишнинг асосий воситаларини ислоҳ қилиш имкониятларини яратади.

Ўзбекистонда интеллектуал салоҳиятни ўстириш учун капитал қўйиш келажақда республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун бу соҳада капитал қўйган инвесторларга солиқ имтиёзларини бериш ўта муҳимдир.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимининг жадал суръатларда ўсишини қуйидаги омиллар белгилаб бермоқда:

- мамлакатдаги инвестиция муҳитининг барқарорлиги. Бу йирик инвестиция лойиҳалари узоқ муддатга мўлжаллаб амалга оширилиши билан тавсифланади. Юқоридаги сабабларга кўра хорижий инвесторларга бизнес олиб бориш учун қулай инвестиция муҳити, ишонч керак;

- валюта курсини тартибга солишдаги ижобий ўзгаришлар. Миллий валютанинг диверсификацияланишуви маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилинадиган товарларга нисбатан рақобат курашида маълум афзалликни беради;

- миллий экспорт таркибидаги асосий товарларга (олтин, мис, пахта) қулай нарх конъюнктураси йирик миллий экспортёрларнинг молиявий имкониятларини кенгайтирди ва ўзларининг инвестиция дастурларини молиялаштиришнинг фаоллашувига, кенгайишига олиб келди. Бу, ўз навбатида, ўзаро боғлиқ тармоқлар маҳсулотига талабнинг ўсишига сабабчи бўлди;

- давлат молияси ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш ҳолатининг мўътадиллашуви, мамлакатимизга 18 ойлик импорт миқдориغا тенг олтин-валюта захираларининг жамланишига, бюджет тақчиллигини бартараф этишга

ва 2005 йилдан бошлаб бюджет профицитига чиқишга имкон берди. Жумладан, 2013 йилда давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,3 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди.

Хуллас, инвестиция муҳити инвесторларнинг самарали ва эркин фаолият юритиши учун яратилган муҳит бўлиб, унинг инвесторлар учун қулайлиги, жозибадорлиги унга таъсир этувчи ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий омилларнинг таъсир даражасига бевосита боғлиқдир.

1.3. Иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигининг назарий услубий асослари

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишдан манфаатдорлик ҳар қандай давлатнинг ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишини талаб этади. Бу сиёсат хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос йўналишини, шунингдек, уларни жалб этишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беришдан иборат. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари бўлиб:

- хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига қўмаклашишдан;

- хорижнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонунининг

мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестиция фаолиятини амалга ошираётган хорижлик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилаб беришдан иборат бўлиб, унинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- хорижлик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чораларни шакллантириш;

- хорижлик инвесторлар ва хорижий инвестицияларнинг айрим тоифалари учун қўшимча кафолатлар бериш шарт-шароитларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилаш.

Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади. Давлат томонидан чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлиги таъминланади. Бундай режим Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларида белгилаб қўйилган режимга қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига мувофиқ Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида иқтисодиёт ва фаолиятнинг муайян соҳаларида чет эл инвестициялари учун чеклашлар ёки тақиқ назарда тутилган бўлиши мумкин.

Хорижлик инвесторларга хориж валютасидаги пул маблағларни Ўзбекистонга ва ундан ташқарига, улар солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаши шарти билан, бирон-бир чеклашсиз эркин ўтказиш кафолатланади. Бундай ўтказишлар қуйидагиларни ўз ичига олади: хориж инвестицияларини сақлаб туриш ёхуд кўпайтириш учун бошланғич ва қўшимча суммаларни; инвестицияларни амалга оширишдан тушган даромадларни; етказилган зарарни қоплаш учун товон сифатида ушбу кунга мувофиқ олинган маблағларни; шартномаларни ижро этиш тартибида амалга оширилган тўловларни; хорижий

инвестицияларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини сотишдан келган тушумни; низони ҳал қилиш, шу жумладан, суд ёки ҳакамликнинг ҳар қандай ҳал қилув қарори туфайли вужудга келувчи тўловларни; ходимларга тўланадиган иш ҳақини ва бошқа тўловларни; қонун ҳужатларига мувофиқ бошқа манбалардан олинган маблағларни.

Инвестициялар ва чет эллик инвесторларнинг таваккалчилигини суғурта қилиш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Чет эллик инвесторлар мамлакатнинг ўз инвесторлари билан тенг равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний фаолият кўрсатаётган ҳар қандай суғурта ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланадилар. Чет эл инвестицияларини сиёсий ва бошқа хавфлардан суғурта қилиш халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг экспорт кредит агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўра, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолият бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган яғона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди. Фармонда белгиланганидек, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади: 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида – 3 йил муддатга; 3 миллион АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида – 5 йил муддатга; 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга¹⁸.

¹⁸ Ушбу солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланилиши белгилаб қўйилган; 1) мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар – Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш; 2) корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим; 3) ушбу корхоналар давлат

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан 2008 йилнинг декабр ойида кенг миқёсдаги минтақавий тараққиёт дастурининг мантикий давоми сифатида «Навоий» аэропортининг бевосита яқинида – Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидан 100-175 километр узоқликда 564 гектар майдонни эгаллаган «Навоий» эркин индустриал иқтисодий зонаси (ЭИИЗ) ташкил этилди. Юксак самарали, замонавий хориж асбоб-ускуналари ва техникаси, технологик тармоқлар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобидан юқори технологияларга асосланган, жаҳон бозорларида рақобатдош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқариш «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгиланди.

«Навоий» ЭИИЗнинг эътиборга молик хусусияти шундаки, унинг ҳудудида ўзига хос ҳуқуқий тартиб амал қилади¹⁹.


ЭИИЗда фаолият юритиш учун тўғридан-тўғри инвестиция олиб кирган хўжалик субъектлари ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилади ва буни 1.4-жадвалда кўриш мумкин. Мазкур жадвалда мамлакатимизда ташкил этилган «Ангрен» махсус индустриал зонаси ва «Жиззах» махсус индустриал зонасида амал қиладиган имтиёзлар ҳақидаги

рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш; 4) хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш; 5) мазкур имтиёзларни қўлланилиши муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни корхона янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

¹⁹ Бу тартиб, жумладан, қуйидагиларни назарда тутди: ушбу ҳудудда рўйхатдан ўтган корхоналарни, улар киритадиган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, барча турдаги солиқлардан 15 йилгача озод қилишни кўзда тутадиган алоҳида солиқ тартиби; индустриал-иқтисодий зонанинг бутун фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқиш мақсадида олиб кириладиган ускуналар, хом ашё ва материаллар учун тўланадиган божхона тўловларидан озод қилишни кўзда тутадиган алоҳида божхона тартиби; мазкур зона ҳудудида ҳисоб-китоблар ва тўловларни ўзаро тузилган шартнома ва контрактларга мувофиқ хориж валютасида, шунингдек, экспорт ва импорт қилинаётган товарлар учун ҳар икки томонга қулай бўлган тўлов шакллари ва ҳисоб-китоблардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган алоҳида валюта тартиби. ЭИИЗда фаолият юритувчи хўжалик субъектларга алоҳида ҳуқуқий тартиб, божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг ҳудудга кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетиш, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилади. Бу имтиёзларнинг барчаси фақатгина ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилади.

маълумотлар ҳам келтирилган (1-илова).

Ўзбекистонда ЭИИЗларни ташкил этиш ва ривожлантириш имкониятлари жуда кенг. Шунинг қайд этиш керакки, Ўзбекистонда табиий бойликларнинг, меҳнат ресурсларининг ва ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланганлигини ҳисобга олиб, келажакда ЭИИЗнинг турли кўринишларни ташкил этиш мумкин. Шу билан бирга ҳар бир тур ҳудудга мос келувчи имтиёз ва рағбатларнинг стандарт жамламаси ҳам мавжуд. Қуйидаги расмда эркин иқтисодий зоналарда қўлланиладиган имтиёз турлари кўрсатиб ўтилган:



1.3-расм. Эркин иқтисодий зоналарда қўлланиладиган имтиёзлар турлари²⁰

Президентимиз И.Каримовнинг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида тўғридан-тўғри хорижий инвесторлар учун янада қулай молиявий шароитлар яратилди. Мазкур Фармонда белгиланишича, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларида кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган ХИИКлар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида, солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи,

²⁰ Магистрант томонидан ишлаб чиқилди.

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидирлар. Фармонга мувофиқ, қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Хуллас, Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатлари билан қуйидагилар таъминланади: инвестиция фаолиятининг миллий ва чет эллик субъектлари учун барча қулайликлар; чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг давлат кафолатлари, зарур ҳолларда қўшимча кафолатлар ва ҳимоя тадбирлари; маблағлардан фойдаланиш ва маблағларни ўтказиш кафолатлари, инвестиция фаолияти тўхтатилиши муносабати билан чет эл инвестицияларини қайтариш кафолатлари; очиқ ахборотлардан эркин фойдаланиш.

Хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизация қилиш, техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадида 2007 йил 14 мартда Ўзбекистон Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши республикага хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида иқтисодиёт тармоқларини жадал модернизация қилишни фаоллаштиришга йўналтирилган навбатдаги амалий қадам бўлди.

Чет эллик инвестор халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;

- инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

- ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш. Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқлари Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқлар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

- Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини чет элларда ва Ўзбекистонда патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш;

- инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан, уни монеликсиз репатриация қилиш);

- Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;

- ўз ҳисобварағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиш;

Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулкый ҳуқуқлардан зиммага олган мажбуриятларнинг, шу жумладан, қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш;

– ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда тоvon олиш;

– давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарларни ундириш.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

Биринчи боб бўйича хулоса:

– хорижий инвестицияларни иқтисодиётга кенг кўламда жалб қилиш зарурати қўйидаги ҳолатлардан келиб чиқади: иқтисодиётдаги мавжуд асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, саноат тармоғида моддий техника базасининг ўта пастлиги; республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг истеъмол томонга кўплаб сарфланаётгани ва жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги; Ўзбекистоннинг хом ашё ва табиий бойликларга бойлиги, кўплаб қайта ишловчи саноатлар корхоналарни қуриш имкониятининг мавжудлиги; республика экспорт салоҳиятининг нисбатан пастлиги, экспорт таркибида хом ашёнинг асосий салмоқни ташкил этиши, келгусида илғор замонавий технологияни жалб қилиш орқали тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқиб, экспорт ҳажми ва таркибини ўзгартириш зарурати кабилар;

– хорижий инвестицияларнинг кириб келиши кўп жиҳатдан инвестицияларни сафарбар этишдан олинadиган фойда меъёрига ва банкга қўйилган мақсадли жамғармалар бўйича бериладиган фоиз ставкаларига боғлиқ бўлиб, бу омилнинг юқори даражада бўлиши чет эл капиталининг оқимини таъминлайди. Хорижий инвестициялар мақсадига қараб тўғридан-тўғри ва портфел инвестицияларга бўлинади. Бугунги кунда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга жаҳон иқтисодиётида талаб, таклифга нисбатан юқори бўлиб, бу инвестициялар орқали ишлаб чиқаришни замонавий илғор ускуна, технология билан қуроллантириш, “ноу-хау” ва малакали ишчи кучига

эга бўлиш, чет эл тажрибасини ўрганиш кабиларга имконият яратилади;

– чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширганда: Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари; Ўзбекистон қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашлари; инвестициялаш муносабати билан ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятлари бўйича жавоб беришлари; инвестиция лойиҳаларида Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган санитария-гигиена, экологияга оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза ҳулосасини олишлари; ўз рақобатчиларига нисбатан қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар олиш мақсадида инвестиция фаолияти бўйича шерикларига ёки давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бевосита ва (ёки) билвосита ноқонуний таъсир ўтказишнинг ҳар қандай шаклларида ўзларини тийишлари шарт;

– Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида: сўмнинг қадрини кўтариш ва бунинг асосида банк фоизи ставкаларини барқарорлаштириш; ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш; Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларининг акциясини нуфузини ва унинг ликвидлилигини ошириш, хорижий инвесторларни уларга жалб эта билиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш зарур;

– бугунги кунда хорижий инвестицияларнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари бунёд этилган бўлиб, уларда яратилган шарт-шароитлар, жумладан, солиқ ва божхона имтиёзлари, қонун ўзгармаслик кафолатлари, фойда олиш ва мулкларнинг реквизиция қилинмаслиги ва бошқа кафолатлар миллий иқтисодиётга хорижий инвестициялар жалб қилинишини янада рағбатлантиради ва унинг жаҳон ҳўжалиги тизимига уйғунлашувини таъминлайди.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ҲОЗИРГИ ДАРАЖАСИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳолати ва тенденциялари

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, таркибий қайта қуришнинг самарали амалга оширилиши бевосита инвестиция сиёсатининг оқилона юритилиши билан боғлиқ. Аграр-индустриал мамлакат ҳисобланган Ўзбекистон учун ҳам инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилмоғи лозим. Хориж тажрибаси ҳам ривожланган мамлакатларда дастлаб индустриал тармоқлар жадал тараққий этганлигини кўрсатади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳукумат томонидан иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга ошириш тамойиллари ишлаб чиқилди (Қаранг: 2-илова). Мазкур тамойиллар асосида мамлакатимизда қатор ижобий ишлар амалга оширилди, жумладан, ички валюта бозорини янада эркинлаштириш ва жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг конвертация қилиниши таъминланди, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш асосида, бу фаолиятларни тартибга солувчи қонунлар яратилди. Божхона кодекси, Солиқ кодекси, валюта ишларини тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди, шунингдек, хорижий инвестицияларини иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун турли имтиёзлар яратилди.

Сўнгги йилларда иқтисодиётда фаол амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизация қилиш жараёни инвестиция фаоллигини янада оширди. Иқтисодиётдаги инвестициялар ҳажмининг²¹ йилдан-йилга сезиларли равишда ўсиб бориши миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши орқали

²¹ Инвестициялар ЯИМнинг энг муҳим ва ўзгарувчан компонентиدير. Инвестицияларни тахмин қилиш жуда қийин, улар тўсатдан ўсиб кетиши ёки аксинча, тушиб кетиши мумкин. Масалан, АҚШда буюк депрессия даврида инвестициялар 100 % тушиб кетган.

Ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Давлат томонидан инвестиция фаолиятини ривожлантиришга берилган эътибор ва қўллаб-қувватлаш натижасида ЯИМ ҳажми ва инвестициялар миқдори ўсиш суръатларига эга бўлди. Жумладан, инвестицияларнинг ўсиш кўрсаткичи 2002-2013 йиллар оралиғида 103,8 фоиздан 118,2 фоизга етган, инвестициялар ҳажми мазкур йиллар даврида 1,4 млрд. АҚШ долларидан 13,0 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, 2002 йилга нисбатан 9,2 мартага ортган (1.1-жадвал). Бу ҳолат инвестицияларнинг ЯИМдаги салмоғининг ўсишига олиб келди, жумладан, инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2002 йилда 18,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 23 фоизга кўтарилди (2.1- жадвал).

2.1-жадвал

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ва инвестицияларнинг ўсиш суръатлари динамикаси²²

Йиллар	ЯИМ (млрд. АҚШ доллари)	Олдинги йилга нисбатан фоиз ҳисобида	Инвестициялар (млрд. АҚШ доллари)	Аввалги йилга нисбатан, фоиз ҳисобида
2005	12,2	7,0	0,63	107,0
2006	15,2	7,5	0,6	109,1
2007	17,0	9,5	1,0	123,0
2008	22,3	9,0	1,7	128,3
2009	28,1	8,1	2,87	124,8
2010	32,1	8,5	2,79	113,6
2011	38,7	8,3	2,9	111,2
2012	45,9	8,2	2,5	111,6
2013	49,6	8,0	3,0	111,3
2014	53,3	8,1	3,1	110,9

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида 2011-2013 йилларда ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, «Женерал Моторс Павертрейн Ўзбекистон» қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб

²² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари (www.stat.uz).

чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди. Шулар қаторида «Зенит электроникс» қўшма корхонасида «Самсунг» кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айти пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди²³.

Маълумки, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Уларни амалга оширишда керакли имтиёзларга эга бўлган махсус индустриал зоналарни ташкил этиш йўлида охириги йилларда биз кўпгина тажрибаларга эга бўлмоқдамиз. Бунинг амалий тасдиғини «Навоий» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналари фаолияти мисолида кўриш мумкин. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобил ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2013 йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2012 йилдагига нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қисқа муддатда умумий

²³ «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўба корхонасида суялтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида «МАН» юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди. Шу билан бирга, Тошкент ва Наманган вилоятларида замонавий тўқимачилик комплекслари, Жиззах ва Хоразм вилоятларида йиғирув ва тўкув, Самарқанд вилоятида спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Озиқ-овқат саноати бўйича 21 та корхонада ишлаб чиқариш модернизация қилинди ва техник қайта жиҳозланди. Навоий иссиқлик электр стансиясида буг-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизгин паллага кирди.

қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли катталиқдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, шакар ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил этилди. Айти шу йўналишда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, ўтган йилнинг март ойида Жиззах вилоятида «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилди. Сирдарё вилоятида бу зонанинг филиали фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. 2013 йилда мазкур зона ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида 100 минг дونا мобил телефон ишлаб чиқариш, шунингдек, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ва озуқа тайёрлаш бўйича умумий қиймати қарийб 6 миллион доллар бўлган дастлабки 3 та лойиҳа амалга оширилди²⁴.

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш – бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айти пайтда – бу аввало янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилган. Энг муҳими, четдан имтиёзли сармояларни олиб кириш – бу пировард натижада мамлакатимизда рақобатга бардошли, кучли иқтисодиётни барпо этиш ва жаҳон бозорида ўз муносиб ўрнимизни эгаллашга қодир бўлиш демакдир. Фикримизча, бу ҳақиқатни ҳеч кимга исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Шу алоҳида қайд этиш жоизки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими – бу чет эллик шерикларнинг республикамизда амалга оширилаётган

24 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси: 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // «Тошкент окшоми», 2014 йил 20 январ, №13. – Б. 2.

кенг кўламдаги демократик ва бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлигини тан олгани, уларнинг биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканининг яна бир тасдиғидир.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб борапти. Жамғарманинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва йўл-коммуникация соҳасидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий шериклар билан ҳамкорликда молиялашда фаол иштирок этишдан иборат. Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида 15 миллиард доллардан зиёд миқдордаги активларга эга бўлган қудратли молия институтига айланди. Жамғарма ўз маблағлари билан умумий қиймати 29 миллиард доллардан зиёд 86 та стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳасини ҳамкорликда молиялаштиришда иштирок этмоқда. Фақат 2013 йилнинг ўзида Жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди²⁵. Фикримизча, ушбу жамғармаси ривожлангани сари унинг истиқболи кенгайиб боради, иқтисодиётни модернизация қилишдаги ўрни ва аҳамияти эса ҳар томонлама ошади.

Миллий иқтисодиётга жалб этилаётан инвестициялар манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўринадики, иқтисодиётга жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Натижада 2014 йил 1 январ ҳолатига хорижий инвестицияларнинг жами капитал қўйилмалар таркибидаги улуши 23,1 фоизни, жумладан, хорижий инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 72 фоизни ташкил этди (2.2-жадвал). Бу эса иқтисодиётни модернизациялаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.


2.2-жадвал

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси сайти (www.ufrd.uz).

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг динамикаси²⁶, фоиз ҳисобида

Иқтисодиёт тармоқлари	Йиллар						
	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар ҳажмидаги салмоғи	24,5	25,8	35,4	28,8	23,5	22	23,1
Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар ҳажмидаги салмоғи	20,6	20,9	30,5	25,1	21,2	16,9	16,9

Чет эллик инвесторлар учун учун яратилган қулай бизнес муҳити, кенг ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар тизими, ХИИКларни рағбатлантиришга қаратилган бутун бир чора-тадбирлар мажмуаси миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини тубдан кўпайтириш имконини берди. 2013 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестициялар (шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар) 2010 йилга нисбатан 0,3 млрд. АҚШ долларига кўпайди. (2.1-расм). Албатта, бундай натижаларнинг қайд этилгани мамлакатимизда фаол ва самарали инвестицион сиёсат олиб борилаётганлигидан далолат беради ҳамда мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам қулай инвестиция муҳити, макроиқтисодий барқарорлик ва халқаро валютавий тўлов қобилияти сақланиб қолганлигини кўрсатади.



2.1-расм. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш динамикаси²⁷
2013 йилда молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари (www.stat.uz).

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (www.stat.uz).

йўналтирилган инвестицияларнинг таркиби давлат бюджети маблағлари 5,8 фоизни, чет эл инвестициялари 23,1 фоизни ҳамда корхоналар ва аҳоли маблағлари 47,0 фоизни ташкил этган. 2004-2013 йиллар мобайнида республикада инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида Давлат бюджети маблағлари салмоғида пасайиш, хорижий инвестиция ва кредитлар, тижорат банклари кредитлари салмоғида ўсиш тенденцияси кузатилди (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг таркиби, фоиз ҳисобида²⁸

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2004	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Давлат бюджети маблағлари	14,4	10,7	9,0	9,0	8,1	7,8	6,5	5,1	5,8
Корхона ва аҳоли маблағлари	54,6	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	50,2	50,9	47,0
Хорижий инвестиция ва кредитлар	25,1	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,1	24,0	23,1
Тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	4,1	3,4	3,1	5,0	5,2	9,1	11,1	11,0	13,7
Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	1,8	6,9	6,1	6,3	7,4	7,0	7,1	9,0	10,4


Бу давлатнинг иқтисодиётга аралашуви тобора қисқариб бораётганлигидан, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳажми ортиб, уларнинг молиявий барқарорлиги ошаётганлигидан далолат бермоқда.

Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2013 йилда 2009 йилга қараганда қарийб 2,3 мартага кўпайган (Қаранг: 3-илова). 2013 йилги Инвестиция дастурига кўра капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаларида марказлашган инвестицияларнинг улуши 24,6 фоизни, марказлашмаган инвестициялар миқдори эса 75,4 фоизни ташкил этди. Бу эса, капитал қўйилмалар таркибида корхона маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (www.stat.uz).

кредитлар асосий салмоқни эгаллаганидан далолат беради.

Мамлакатимиз ва хорижий инвесторлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция миқдори 2000 йилдаги 105,2 АҚШ долларида 2013 йилда 425,5 АҚШ долларига етиши таъминланди. Агар 2000 йилда жалб этилган хорижий инвестицияларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори 0,05 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 98,2 АҚШ долларига етди (2.2-расм).



2.2-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар, АҚШ доллари ҳисобида²⁹

Инвестиция соҳасидаги ушбу ижобий ўзгаришлар мамлакатда қулай инвестиция муҳити яратилганлигидан далолат беради. Бу эса қуйидагиларни назарда тутади:

- амалдаги ишлаб чиқарувчи кучлардан, мамлакатнинг табиий, минерал хом ашё, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун самарали рақобат механизмини яратиш ва шу орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш;

- аҳолининг банкларга бўлган ишончини тиклаш орқали пул жамғармаларни кўпайтириш, уларнинг инвестициявий фаоллигини таъминлаш;

- инфляция суръати ва фоиз ставкасини пасайтириш орқали иқтисодиётга оммавий равишда инвестициялар киритишни рағбатлантириш;

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари (www.stat.uz).

- фондлар бозорида оқилона инвестиция сиёсати юритиш орқали соҳалар ва тармоқлар ўртасидаги оқилона манфаатлар уйғунлигини таъминлаш;
- самарали солиқ режими, бож-таъриф ва ташқи савдо сиёсатини юритиш негизида мамлакатнинг ишлаб чиқариш капиталини кўпайтириш;
- иқтисодиётнинг реал секторига, унинг устувор йўналишларига давлат кафолатлари тизими орқали хусусий инвесторларни жалб этиш каби тадбирларнинг амалга оширилиши.

Ўзбекистон иқтисодий-ижимой таракқиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлар ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари кўра келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун ишончли кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат. Бунда маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё таракқиёт банки, Жаҳон банки, Ислон таракқиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва Хитой Халқ Республикаси таракқиёт банклари, қатор Араб давлатларининг инвестиция фондларини жалб этиш масаласига катта аҳамият беради. Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистрали участкаларини

қуриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

Саноат тармоқлари самарадорлиги ва рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида, 2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида дастур қабул қилинди³⁰. Ушбу Дастурда жами 47,5 миллиард АҚШ долларлик 500 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Дастурда энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат соҳалари, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби устувор тармоқларни жадал ривожлантириш назарда тутилган.

Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида мамлакат ишлаб чиқаришининг ривожланиши учун инвестиция маблағларининг ўзи етарли эмас, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда инновацион инвестициялардан фойдаланиш, иқтисодиётда рақобат муҳитини кучайтириш, иқтисодиёт субъектларининг эркин фаолият юритишига имкон яратиш ва бошқа омиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2.2. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти ва унинг самарадорлиги

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг энг оммабоп шакли ҳисобланган ХИИК³¹ларни ташкил этиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўлида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хорижий инвесторлар Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналар ташкил этишлари ҳамда

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори. 21.12.2010. ПҚ-1442-сон.

³¹ Диссертация матнида «чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналар» ёки «хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар» ёхуд «қўшма корхоналар» деб аталиши принципиал аҳамиятга эга эмас.

конун хужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин.

Иқтисодчи-олимлар Б.Райзберг, Л.Лозовский, Е.Страдубцевалар таърифига кўра: «қўшма корхона, асосан, юридик шахслар томонидан, маҳаллий корхоналар ёки хорижий ҳамкорларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан таъсисчи жойлашган мамлакатда ташкил этилган хўжалик ташкилотидир. Мулкӣ шакли жиҳатидан акциядорлик, масъулияти чекланган ёки шерикчилик кўринишида бўлиши мумкин»³². Муаллифлар томонидан «қўшма корхона»га берилган таъриф айрим чекланишлардан ҳоли эмаслиги кўриниб турибди. Жумладан, сўнгги таърифда «таъсисчи жойлашган мамлакатда ташкил этилган», дея қайд этилган жумла мунозаралидир. Назаримизда, мазкур жумла қўшма корхоналарнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга бевосита хизмат қилмайди. Чунки, қўшма корхонанинг таъсисчиси иккинчи мамлакатда жойлашган бўлиб, унинг ўзи бошқа мамлакат ҳудудида ташкил этилиши амалиётдан маълум.

А.Борисовнинг «Катта иқтисодий луғат»ида: «Қўшма корхона икки ёки ундан ортиқ юридик шахслар томонидан ташкил топган хўжалик юритиш шаклидир. Қўшма корхона маҳаллий тадбиркорлар ёки хорижий ҳамкорлар иштирокида ташкил этилади. Таъсисчилардан бири жисмоний шахс бўлиши мумкин. Қўшма корхона устав капиталининг ҳамкорликда шакллантирилиши ва таъсисчилардан бири жойлашган ҳудудда ташкил этилиши унинг ўзига хос хусусиятга эга эканлигидан далолат беради»³³, дея таърифланган. Фикримизча, қўшма корхонага берилган мазкур таъриф мантиқий жиҳатдан бир-бирига узвий боғланмаган. Шу билан бирга, қўшма корхонанинг таъсисчиларидан фақат бири эмас, иккаласи ҳам жисмоний шахслар бўлиши мумкин, яъни иккита мамлакатнинг вакили ҳисобланган жисмоний шахслар ўз маблағларини қўшма корхонанинг устав капиталига киритиш асосида уни ташкил этиши ҳам мумкинлиги эътироф этилмаган.

³² Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Страдубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 4-изд., перераб. и доп. – М.: «Инфра-М», 2005. – С. 235.

³³ Борисов А.Б. Большой экономический словарь. – М.: «Книжный мир», 2005. – С. 126.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги қўшма корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар. Қўшма корхона қатнашчиларидан бири ушбу қонунга кўра чет эллик инвестор бўлиши шарт.

Умумлаштирадиган бўлсак, икки ёки ундан ортиқ маҳаллий ва хорижий мамлакат субъектлари иштирокида товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, фойда олиш мақсадида юридик шахс сифатида ташкил этиладиган, мамлакатнинг қонунчилик талаблари асосида тузилган хўжалик юритувчи субъектга қўшма корхона дейилади.


Қўшма корхона давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. ХИИКларни ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. ХИИКлар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг кенг тарқалган шакллардан бири ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этишдир. Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона деганда хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150000 АҚШ доллариға тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарға айтилади³⁴. ХИИК низом жамғармасининг 150000 АҚШ долларидан кам бўлмаслиги, асосан, сифатсиз маҳсулотларнинг олди-сотдиси ва уларни республикаға импорт қилиш ишлари билан шуғулланишға ихтисослашган кичик ХИИКларнинг керагидан ортиқча кириб келишининг олдини олиш мақсадида белгиланган.

Қўшма корхона Ўзбекистон қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўьба

³⁴ Ваҳобов А. ва бошқ. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2003. – Б. 277.

корхоналар, филиаллар, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ваколатхона ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин.

Қўшма корхоналар иқтисодий фаолиятини амалга ошириш тартиби 2.3-расмда ёритиб берилган:



2.3-расм. Қўшма корхоналар иқтисодий фаолиятини амалга ошириш тартиби³⁵

³⁵ Магистр томонидан шакллантирилди.

ХИИКларни ташкил этиш, улар фаолияти билан боғлиқ бўлган бир қатор муҳим жиҳатларни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин:

– биринчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида ХИИКлар фаолиятини йўлга қўйиш учун қуйидаги босқичлар амал қилишини таъкидлаш мумкин: корхонани очиш учун шерик танлаш; қўшма корхона очиш ҳақида қарор қабул қилиш; қўшма корхонани очиш ва фаолиятини режалаштириш;

– иккинчидан, қўшма корхонани ташкил этиш сабабларини ички, ташқи ва стратегик туркумларга ажратиш мумкин;

– учинчидан, инвестицияларни жалб қилишни таҳлил қилишда мамлакат, ҳудуд, соҳа, корхона миқёсидаги хусусиятлари ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур тизимдаги ҳар бир лойиҳанинг инвестицияларни жалб қилиш тартиблари барча таркибий қисмларнинг хусусиятлари билан белгиланади.

ХИИКларни ташкил этишни ички, ташқи ва стратегик сабабларга бўлиш мумкин (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш сабаблари

Ички сабаблар	Инвестиция муҳитининг устунликларидан фойдаланиш
	Рискларни тақсимлаш
	Ишлаб чиқариш миқёсида тежаш
	Бошқарувнинг янги усуллари ўрганиш
	Хорижий бозорларга чиқишни жадаллаштириш
	Шартнома харажатларини камайтириш
Ташқи сабаблар	Жаҳон бозорига чиқиш
	Сиёсий кескинликнинг юмшаши
	Миллий ҳукумат талаблари
	Самарали рақобатни вужудга келтириш
Стратегик сабаблар	Мустаҳкам хом ашё базасига эга бўлиш
	Технологиялар трансферти
	Ишлаб чиқариш диверсификацияси
	Мамлакатда узоқ вақт фаолият олиб бориш имконияти

Мамлакатимизда ХИИКларнинг ҳам экспорт ва импорт операциялари ривожланиб бормоқда (Қаранг: 2.5-жадвал). Агар республика бўйича 2010 йилда ХИИКлар томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 1793,8 млн

АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда 3017,1 млн АҚШ долларини ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 1,7 мартага ортган.

2.5-жадвал

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан экспорт ва импорт ҳажмлари, млн АҚШ доллари³⁶

	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил	
	Экспорт	Импорт	Экспорт	Импорт	Экспорт	Импорт	Экспорт	Импорт
Ўзбекистон Республикаси	1793,8	3591,4	2437,8	4357,9	2720,5	4816,7	3017,1	5300,0
Қорақалпоғистон Республикаси	10,1	8,8	10,4	22,4	15,4	23,5	16,7	24,7
<i>Вилоятлар:</i>								
Андижон вилояти	543,4	1396,3	813,6	1383,2	935,4	1599,2	1005,8	1704,7
Бухоро вилояти	46,1	40	54,3	30,4	55,2	32,8	68,9	33,7
Жиззах вилояти	17,5	10,5	23,7	15,5	24,8	17,7	25,4	18,8
Қашқадарё вилояти	27,4	17,2	51,4	17,2	52,9	19,4	54,2	20,4
Навоий вилояти	38	23,3	20,7	12,1	21,6	14,8	23,5	16,7
Наманган вилояти	42,4	44,3	45,8	62,3	45,7	65,7	47,1	77,7
Самарқанд вилояти	45,7	125,5	76,7	154,1	77,4	188,9	79,8	200,1
Сурхандарё вилояти	20,4	2,4	21,1	5,6	20,5	6,7	25,6	7,5
Сырдарё вилояти	17,8	35,4	13,6	31,9	14,8	35,4	18,4	38,2
Тошкент вилояти	417,9	186,1	455,1	315,7	566,8	399,5	755,4	400,2
Фарғона вилояти	113,7	59,8	118,1	75	119,7	86,4	121,7	99,1
Хоразм вилояти	12,3	7,3	16,9	9,9	17,8	12,8	18,4	14,7
Тошкент шаҳри	441,1	1634,5	716,4	2222,6	755,1	2314,6	758,8	2644,2

Ўз навбатида, ушбу корхоналар томонидан импорт қилинган товарлар ҳажми ҳам 2013 йилда 5300 млн АҚШ долларини ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 1,5 мартага ортган. Умумий кўринишда ХИИКларнинг экспорт ҳажми импорт ҳажмига нисбатан ўсиш суръатига эга бўлган ва бу албатта ижобий ҳолат, бироқ, ушбу корхоналар ҳалигача ҳам экспорт ҳажмини импорт ҳажмидан оширишга эришгани йўқ. Импорт ҳажмининг юқорилиги валюта маблағларининг четга чиқиб кетиши билан боғлиқдир.

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги

³⁶ Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари (www.stat.uz).

имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди. Натижада республикада иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили 3,0 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлигига, уни ривожлантириш истикболларига кизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат беради.

Диссертация ишини бажариш жараёнида 2008-2012 йилларда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган, лекин фаолият кўрсатмаётган ХИИКларнинг ишламаётганлик сабаблари алоҳида ўрганилди (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Қўшма корхоналарнинг ишламаётганлик сабаблари³⁷

Қўшма корхоналарнинг фаолият кўрсатмаслик сабаблари	Йиллар				
	2008	2009	2010	2011	2012
Пул маблағларининг йўқлиги	178	181	174	169	132
Хом ашё материалларининг етишмаслиги	69	37	46	58	27
Низом фондининг шаклланмаганлиги	112	133	139	143	118
Корхонанинг янги ташкил этилганлиги	22	28	25	13	8
Жиноий иш қўзғатилганлиги	25	34	28	16	11
Таъсисчилар томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги	197	166	159	121	86
Бошқа сабаблар	96	111	122	97	59
ЖАМИ	699	690	693	617	441

2.7-жадвал маълумотларидан кўринадики, қўшма корхоналарнинг ишламаётганлиги асосан фаолият юритиш учун пул маблағларининг етишмаслиги, низом фондининг тўлиқ шаклланмаганлиги ва таъсисчилар томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги билан изоҳланади.

Мамлакатимизда аксарият ҳолларда хорижий инвесторлар учун берилган солиқ имтиёзларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги ва кўзланган самарага эришилмаётганлиги кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида

³⁷ Тошкент шаҳар Солиқ бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: хорижий инвесторлар томонидан белгиланган имтиёзларини моҳияти ва мазмуни тўлиқ ва мукаммал ўрганилмаганлиги; самарасиз ва наф бермайдиган имтиёзларнинг белгиланаётганлиги; хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий жиҳатдан нобарқарорлиги ва бошқалар.

Мамлакатимизда қўшма корхоналар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш уларга солиқ ва божхона имтиёзлари, имтиёзли кредитлар, конун ўзгармаслик кафолатлари, суғурта ва конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда амалга оширилмоқда.

ХИИКлар фаолиятининг таҳлили қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини беради:

- мамлакатимизнинг сушт ривожланаётган ҳудудларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан олиб борилаётган чоратadbирларни фаол давом эттириш зарур. Бунда ҳудудий бошқарув органларининг турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларининг амалиётга самарали татбиқ этилиши юзасидан масъулиятини ошириш лозим;

- ҳар бир ҳудуд бўйича таҳлилий маълумотлар базасини шакллантириш юзасидан амалий тadbирлар ишлаб чиқиш ва хорижий инвесторларни ҳудуднинг экспорт имкониятлари бўйича зарурий маълумотлар билан таъминлаш керак;

- хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб қилиш мақсадида мамлакатимизнинг сушт ривожланган ҳудудларида инфратузилмаларни ривожлантириш дастурлари бажарилиши юзасидан давлат мониторингини ўрнатиш. Бунда, айниқса, телекоммуникация ва меҳмонхона хўжалиги соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир;

- қўшма корхоналарнинг низом фондида хорижий инвесторнинг эгаллаган улушини ҳисобга олган ҳолда минимал талабдан ошган ҳар бир фоизи учун қўшимча солиқ имтиёзларини бериш;

- инвестиция дастурларини тузишда ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий

ривожланиш даражасини ҳисобга олиш.

Қўшма корхоналарга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳар бир муайян ҳолда, яъни;

– республиканинг экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини, мамлакатимизнинг жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда;

– амалга оширилиши хом ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда берилиши мумкин.

2.3. Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва унинг устуворликлари

Маълумки, хорижий инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётини модернизация қилишнинг муҳим муҳим омили ва манбаи ҳисобланади. Тўғридан-тўғри инвестициялар таркибига: ишлаб чиқариш (асосий ва айланма) фондлари, уларни кенгайтириш, қайта қуриш ва қайта қуроллантиришга қўйиладиган иқтисодий ресурслар; ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма харажатлари (бино ва иншоотлар, уй-жойлар); пул қийматиغا эга бўлган номоддий активлар (қимматли қоғозлар, патентлар, техник ва технологик янгиликлар, лойиҳалар ва бошқа интеллектуал мулк объектлари)ни киритади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар: инвесторга инвестиция киритилаётган объект устидан назорат қилиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришга сарфланган узоқ муддатли хорижий қўйилмаларни; пировард мақсади фойда кўринишида даромад олишга қаратилган тадбиркорлик капиталининг устувор шаклини; хусусий капиталга асосланган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни; хорижий инвесторнинг инвестиция киритилаётган объект устидан тўлиқ эгалик қилишини; хорижий инвестор томонидан инвестиция киритилаётган объекти устав капиталининг 10 %дан кам бўлмаган

қисми устидан назорат ўрнатишини; хорижий инвесторнинг инвестиция киритилаётган объектларни бошқаришда самарали қатнашишини; мустаҳкам иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ҳамда корхона устидан назорат ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида капитал ва ресурсларнинг трансчегаравий ҳаракатини қамраб олади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг инвестиция фаоллиги ва кучли рақобат муҳити яратилишига таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:

- интеграциялашувни таъминлаган ҳолда рақобат муҳитини таъминлайди, рақобатга ундайди;
- хориж бошқарув тажрибасини қўллашга ундайди;
- иқтисодиёт субъектларидан инвестиция фаоллигини талаб этади;
- янги ускуна, жиҳоз, замонавий техника, технологияни қўллашга чорлайди;
- янги техника-технология асосида янги маҳсулот ишлаб чиқаришни, янги бозорларни эгаллашни назарда тутади;
- инвестиция муҳитини такомиллаштириб боришни талаб этади;
- ишлаб чиқаришнинг модернизация қилинишини таъминлайди;
- ўз манфаатлари устунлигини назарда тутади;
- ишонч қозониш учун кучли рағбатлантириш, имтиёзлар, кафолатлар тизимини талаб қилади;
- хориждан турли активлар кириб келиши асосида қабул қилувчи мамлакатда иқтисодиётни юксалтиради, солиқ, бож, ижара ва бошқа тушумларнинг қўпайишини таъминлайди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг Ўзбекистонга кириб келиши қисқа вақт ичида мулкчиликнинг турли шакллари ташкил топишига кўмаклашди, иқтисодиётда таркибий қайта қуришни, нуфузли тармоқларнинг барпо этилишини таъминлади, энг муҳими, халқаро бозорга ўз маҳсулотларини олиб чиқишини ва унда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши республикада хусусийлаштириш жараёнларини ташкил этиш босқичлари

билан боғлиқ бўлди. Шу билан бир қаторда, республикада иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимлари шакллари билан белгилаб берди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқимлари: Ўзбекистон иқтисодиётида қўшма корхоналарнинг барпо этилишига асос солди; хорижий корхоналар барпо этилишига замин яратди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, миллий иқтисодиётнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳолати ички бозор ҳамда экспортнинг ҳажми, табиий ва минерал ресурслар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, бозор ислохотларини амалга ошириш суръатлари, иқтисодий барқарорлик омиллари билан боғлиқдир.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг жозибадорлигини белгиловчи омилларни беш гуруҳга бўлиш мумкин:


- бозор омиллари (ички бозор ва экспорт имкониятлари);
- бой табиий ресурсларнинг мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш харажатлари омиллари;
- инвестиция муҳити;
- мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш стратегияси.

Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг инновация фаолиятига таъсири қуйидагиларда кўринади:

- рақобат муҳитини ривожлантиради ва рақобатга бардошли маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни тезлаштиради;
- тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг кўпайиши мамлакат иқтисодиётига: а) янги, замонавий, илғор технологиялар ва юқори унумдорли ускуналарни олиб киради; б) янги юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши тезлашади ёки мавжуд ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши ташкил этилади; в) янги бозорларга чиқиш, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш, ташқи бозорларда ўз мавқесини мустаҳкамлаш имкониятини беради;

– инновация лойиҳаларини татбиқ этиш ва иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришларни таъминлайди, пировардида, иқтисодиёт замонавийлашади ва жадал ўсиб боради.

Асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 2013 йилда 27557,3 миллиард сўмни ташкил қилиб, 2007 йилга нисбатан 7,1 мартага ортган, яъни асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмида йилдан-йилга ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (2.4-расм).



2.4-расм. Ўзбекистонда 2006-2013 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар³⁸, млрд. сўмда

Бу энг аввало Президентимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётгани натижасидир. Албатта, асосий капитални янгилашга йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш бўйича давлат олиб бораётган инвестиция сиёсати, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни олиб келувчи инвесторларга нисбатан “очиқ эшик”лар сиёсатининг ўтказилаётганлиги, солиқ ва божхона имтиёзларининг мавжудлиги муҳим омил бўлмоқда.

Хорижий инвесторлар учун яратилган қулай бизнес муҳити, кенг ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар тизими, ХИИКларни рағбатлантиришга қаратилган бутун бир чора-тадбирлар мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-

³⁸ Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари асосида тузилган (www.stat.uz).

тўғри хорижий инвестициялар оқимини тубдан кўпайтириш имконини берди.

2.7-жадвал

Инвестициялар, хорижий инвестициялар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Ялпи ички маҳсулот, млрд. АҚШ долларида	38,7	45,9	49,6	53,3
Инвестициялар, млрд. АҚШ долларида	9,7	10,8	11,7	13
Хорижий инвестициялар, млрд. АҚШ долларида	2,8	2,9	2,6	3,1
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, млрд. АҚШ долларида	2,4	2,3	2	2,2
Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар ҳажмидаги салмоғи, %	25,1	21,2	16,9	16,9
Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жами хорижий инвестициялар ҳажмидаги салмоғи, %	87	78,8	79	72

Бирок, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жами хорижий инвестициялар умумий ҳажмидаги салмоғи 2013 йилда 2012 йилга нисбатан пасайган. Мазкур пасайиш таҳлил қилинган давр мобайнида жами инвестицияларнинг ўсиш суръатини тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларни умумий ҳажмидаги салмоғини юқори эканлиги кўриниб турибди.

Айни вақтда республикамізда инвестиция фаоллигини таъминловчи эркин капитал бозори шаклланганича йўқ. Шу сабабли, инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмларидан фойдаланиш суғлигича қолмоқда ҳамда инвестицияларни билвосита молиялаштириш механизмларининг кенг ишлатилиши ҳамон банк рисклари даражаси юқорилигича қолаётганлигини тасдиқламоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, мамлакат иқтисодиётни молиялаштиришда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишга устуворлик бериш, бунинг учун қулай шарт-шароит яратиш (имтиёзлар ва бошқалар), молиялаштиришнинг турли усулларида (масалан, халқаро лизинг) фаол фойдаланиш, фоиз ставкаларини диверсификациялаш, янги техника-технологияларни ўзлаштиришда чет эл кредитлари ва инвестицияларини

иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи боб бўйича хулоса:

– таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, йирик инвесторлар томонидан инвестициялар жуда секинлик билан қўйилмоқда, буларнинг сабаблари: телекоммуникация алоқаларининг ривожланмаганлиги; миллий пул бирлигининг хорижий валютага нисбатан курсининг ўзгарувчанлиги; қимматли қоғозлар бозорида иккиламчи бозорининг тўлиқ шаклланмаганлиги, кредит тизимида, валютани конвертациялашда ва солиқ тизимининг такомиллашмаганлиги; Ўзбекистоннинг денгиз савдо йўлларида тўғридан-тўғри чиқа олмаслиги; йирик ҳажмдаги капитални турли рисклардан ҳимоясини кафолатловчи инвестиция банкларининг йўқлиги;

– мамлакатимизнинг сушт ривожланаётган ҳудудларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан олиб борилаётган чоратadbирларни фаол давом эттириш зарур. Бунда ҳудудий бошқарув органларининг турли соҳалардаги инвестиция лойиҳалари самарали амалиётга татбиқ этилиши юзасидан масъулиятини ошириш лозим;

– ҳар бир ҳудуд бўйича таҳлилий маълумотлар базасини шакллантириш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва хорижий инвесторларни ҳудуднинг экспорт имкониятлари бўйича зарурий маълумотлар билан таъминлаш зарур;

– хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш мақсадида мамлакатимизнинг кам ривожланган ҳудудларида инфратузилмаларни ривожлантириш дастурлари бажарилиши юзасидан давлат мониторингини ўрнатиш. Бунда, айниқса телекоммуникация ва меҳмонхона хўжалиги соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир;

– экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажмида экспорт қилинган маҳсулотлар улушини ҳисобга олган ҳолда солиқ имтиёзларини жорий этиш керак, қўшма

корхоналарнинг низом фондида хорижий инвесторнинг эгаллаган улушини ҳисобга олган ҳолда қўшимча солиқ имтиёзларини бериш зарур;

– инвестиция дастурларини тузишда ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш лозим;

– капитал маблағлар қайтими тез бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, саноат ишлаб чиқаришида энергия ва материал сиғимининг камайишига эришиш керак;

– саноат объектлари қурилишини молиялаштиришда хусусий капитал қатнашишини рағбатлантириш, кичик корхоналар шаклланиши ва ривожланишини қўллаб-қувватлаш лозим, индустриал корхоналар барпо этиш жараёнини тезлаштириш, иқтисодиётда тугалланмаган қурилиш объектлари сонини кескин камайтириш зарур, шунингдек, саноат корхоналари фаолиятини баҳолаш, рентабеллик даражасини ҳисоблаш, иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил этиш ва умуман, республика ва хорижий мамлакатлардаги инвесторларни қизиқтирувчи ахборот ва маълумотларни тайёрлаш, миллий ишлаб чиқаришни ривожланишини мониторинг қилиш;

– хорижий инвестицияларнинг саноат корхоналарини модернизациялаш ва тиклашда қатнашишини жадаллаштириш, тўғридан-тўғри иқтисодиётга қўйилаётган молиявий ресурсларни жалб қилишнинг инвестиция муҳитини яратиш жоиз;

– ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, у билан боғлиқ инфратузилма объектларини ривожлантириш, капитал ресурсларнинг Мустақил ҳамдўстлик давлатлари ёхуд Марказий Осиё давлатлари орасида эркин ҳаракатини таъминлаш керак;

– чет эллар тажрибасидан ва республикадаги мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, республика ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этишни рағбатлантиришга қаратилган махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш йўллари

Бугунги кунда Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб боришни таъминлаш устувор вазифадир. Бунда давлатнинг асосий вазифаси капитал жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва унинг жозибadorлигини ошириш билан изоҳланади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон кўп миқдорда хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятига эга: кафолат ва имтиёзларни ўзида акс эттирувчи қонун ҳужжатлари; хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимояланиши ва рақобат муҳитининг мавжудлиги; зарур инвестиция инфратузилмасининг яратилганлиги ва ривожланаётганлиги; сиёсий барқарорлиги; географик жойлашувининг ўрта даражадалиги; бой табиий минерал хом ашёга эгалиги; кишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланганлиги; арзон ва малакали меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва бошқалар (Қаранг: 4-илова).


Ҳар қайси инвестор маълум бир мамлакат ва унинг ҳудудига инвестиция киритишдан аввал ўша мамлакат ва ҳудуднинг инвестиция муҳитини баҳолаш, унинг жозибadorлигини аниқлашга киришади. Албатта, бунда юқорида кўриб ўтилган омиллар ўрганилади, таҳлил қилинади ва шу асосда инвестиция қарорлари қабул қилинади.

Қабул қилувчи мамлакатнинг инвестиция муҳити хорижлик инвесторлар томонидан баҳоланишида, биринчи навбатда, унинг хавфсизлиги, инвестициялаш мақсадларига мувофиқлиги, мамлакатга хос рисклар даражаси, инвестицияларни рағбатлантириш тадбирларига эътибор қаратилади. Концессия шароитлари, экспорт саноати ҳудудлари, эркин савдо ҳудудлари, божхона божлари амал қилмайдиган ҳудудларнинг бўлиши ва бошқалар бевосита хорижий инвестициялар учун муҳим омил ҳисобланади.

Хорижий инвестор учун юқорида қайд қилинган барча омиллар муҳимдир. Шунинг учун ҳам ривожланган кўпгина мамлакатларда инвестиция

лойиҳаларини баҳолайдиган, инвестициялар қўйилишига талаб бўлган давлатларнинг инвестиция муҳитини ўрганадиган ва аниқ хулоса ва маълумотларни тақдим этувчи махсус фирмалар, ташкилотлар мавжуддир. Масалан: Швецария, Германия каби қатор мамлакатларнинг нуфузли ахборот хизматлари давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш учун ҳар бири «0» дан «4» гача бўлган (0-қониқарсиз ва 4-ўта қулай) 4 балли шкала бўйича баҳоланадиган 15 та муҳим кўрсаткични ҳисобга оладиган BERI³⁹ (business environment risk index)ни қўллайди.

Қуйидаги 3.1-расмда улар инвестиция қарорларини қабул қилиш бўйича аҳамиятидан келиб чиқиб акс эттирилган.



3.1-расм. Хорижий инвестициялар учун ҳудуд жозибадорлигини (мафтункорлигини) баҳолашнинг BERI индекси⁴⁰

³⁹ Шу номдаги фирма томонидан ишлаб чиқилган.

⁴⁰ Нодирхонов У. Мамлакат рейтингига кўра хорижий инвестициялар. //Бозор, пул ва кредит/. 2000. 8-сон, 47-б.

3.1-расмдан кўринадики, BERI индексига кирган кўрсаткичлар орасида сиёсий барқарорлик (0,12 балл) энг катта аҳамиятга эга. Таҳлиллар кўрсатишича, Ғарб экспертлари, айнан, ҳарбий ҳаракатлар ёки ички вазиятнинг кескинлашуви юз бергани боис, шунингдек, иқтисодий ва сиёсий нобарқарорлик туфайли Грузия, Молдава ва Тожикистонга рейтингларда сўнгги ўринлар беришган, яъни улар BERI индексининг энг паст кўрсаткичи даражасига эга.

Мазкур усулнинг моҳияти шундаки, обрўли экспертларни⁴¹ танлаш асосида ва уларга 5 балли (0 дан 4 баллгача ва уларнинг йиғиндиси 1 га тенг) шкалада 15 та асосий мезонлар бўйича мамлакат riskини баҳолаш таклиф этилади. Ушбу усулда баҳолаш мезонлари ва уларнинг қийматлари қуйидагилардан иборат⁴²: сиёсий барқарорлик (0,12); хорижий инвестицияларга бўлган муносабат (0,06); миллийлаштирилиши хавфи (0,06), агар мамлакат қонунчилигида мулкни ҳақ тўламасдан экспроприация қилиш кўзда тутилган бўлса, 0 балл қўйилади; валютанинг девальвация қилиниш эҳтимоли ва даражаси (0,06); тўлов балансининг ҳолати (0,06); бизнеснинг бюрократлашиш даражаси (0,04); иқтисодий ўсиш суръати (0,1); валютанинг эркин алмашинуви даражаси (0,1); шартнома мажбуриятларини бажариш сони (0,06); меҳнат унумдорлиги даражаси ва иш ҳақи харажатлари (0,08); юридик ва маркетинг маслаҳатларини олиш, малакали мутахассисларни жалб қилиш имконияти (0,02); алоқа ва транспортни ташкил қилиш (0,04); давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг муносабатлари (0,04); қисқа муддатли кредитларни олиш шартлари (0,08); узоқ муддатли кредитлар, хусусий капитални олиш, фойдаланиш шартлари (0,08).

Умуман олганда, BERI хизмати бу борада катта обрў қозонган ташкилотдир. Мазкур ташкилот капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестиция муҳитини таҳлил қилиб, инвестицияларнинг riskлилик даражасини аниқлаб беради. BERI хизмати матбуотлар орқали турлича

⁴¹ Одатда, экспертларнинг умумий сони тахминан 100 нафардан иборат бўлади.

⁴² Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 155-156.

индекслар билан инвесторларнинг хорижий мамлакатларга инвестиция қўйишининг риск даражасини аниқлаб беради. Ҳозирда бу хизмат кўрсатувчи ташкилот 55 дан ортиқ капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестиция муҳитини 15 та кўрсаткични қамраб олувчи мезон (балл) билан баҳоламоқда. Бунда мамлакат инвестиция муҳити қанчалик юқори баллга эга бўлса, у шунчалик барқарор мамлакат ҳисобланади. Бу балл индексларини ҳисоблашда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омиллар таъсири ҳам ҳисобга олинади. Бу ташкилот фақатгина ҳозирги жорий даврнигина эмас, балки истикболда кутилаётган ўзгаришларни ҳам ҳисобга олади.

Бу каби хизматларни Ўзбекистонда ҳам ташкил қилиш хорижий инвесторлар учун ҳам, ички инвесторлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бир вақтнинг ўзида, инвестициялар самарадорлигини аниқлаш уларни сафарбар этишнинг истикболларини башоратлашда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, иқтисодиёт бўйича инвестициялар тақсимотининг тўғри йўналишларини аниқлаб олишга имкон беради. Шу мақсадда фойдаланиладиган ICOR (incremental capital-output ratio) коэффиценти асосий капиталга қўйилган маблағларнинг келгуси йилда ЯИМнинг ўсишига таъсирини аниқлашга имкон беради ва ЯИМда инвестициялар салмоғининг кейинги йилдаги ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръатига нисбатини ифодалайди.

ICOR коэффиценти инвестиция ресурсларининг самарали ишлатилишини белгилаб берувчи кўрсаткич ҳисобланиб, у қанчалик кичик бўлса, шунчалик аҳамиятли ҳисобланади ва аксинча⁴³.

Инвестициялар иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга келгусида инвестициялаш манбаларини яратиш учун ҳам хизмат қилади. Шу сабабли ялпи инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши ЯИМнинг ўсиш суръатидан 4-8 маротаба кўп бўлиши лозим. Қолаверса, ялпи инвестицияларнинг аҳоли жон бошига тўғри келган миқдорини ва унинг ўтган йилга нисбатан ўсиш даражасини аниқлаш инвестициялар самарадорлигини реал баҳолашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунингдек, муайян бир тармоқ бўйича ялпи

⁴³ Сиддиқов А. Саноат ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлиги. // «Бозор, пул ва кредит», 2004. №7-8. – Б. 48.

инвестицияларнинг самарадорлигини аниқлашда жорий даврда тармоқда банд бўлган кишилар бошига нисбатан тўғри келган ўртача инвестициялар миқдорини ҳисоблаш ҳам фойдалидир.

$$ICOR = I : \Delta ЯИМ$$

бу ерда: I – ўтган йилда ЯИМда инвестицияларнинг улуши; $\Delta ЯИМ$ – ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилга нисбатан қўшимча ўсиш суръати.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун ICOR кўрсаткичи даражасини 3.1-жадвал орқали кўриш мумкин. Жадвал маълумотидан кўринадики, таҳлил этилаётган даврда ЯИМнинг капитал сиғимкорлигини акс эттирувчи ICOR самарадорлиги кўрсаткичи 2002 йилда 6,4 га тенг бўлгани ҳолда, 2013 йилда 2,9 ни ташкил этди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 2,4 га тенг⁴⁴.

3.1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти учун ICOR кўрсаткичлари⁴⁵

Йиллар	ЯИМ, млрд. сўм	Ялпи инвестициянинг ялпи ички маҳсулотга нисбати, фоиз ҳисобида	ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	ICOR (ЯИМ қўшимча ўсишининг капитал сиғимкорлиги)
2002	7405,2	19,3	4,0	6,4
2003	9837,8	19,3	4,2	4,6
2004	12189,5	20,3	7,4	2,6
2005	15210,0	20,8	7,0	2,9
2006	20759,3	19,5	7,9	2,6
2007	22731,4	19,4	9,5	2,1
2008	36839,4	23,0	9,0	2,2
2009	48095,0	26,1	8,1	2,8
2010	61831,2	25,0	8,5	3,1
2011	77750,6	23,5	8,3	3,0
2012	96589,8	22,9	8,2	2,7
2013	118986,9	23,0	8,0	2,9

ICOR коэффициентини ҳисоблаш услубиётига асосланиб, даромад ўсишининг капиталга нисбати кўрсаткичи ўтган йилги ялпи инвестицияларнинг (ЯИМга нисбатан фоизда) жорий йилдаги ЯИМнинг ўсиш суръатига нисбати сифатида аниқланади. Лўнда қилиб айтганда, ўтган йилги

⁴⁴ Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 170.

⁴⁵ Жадвал Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган (www.stat.uz).

инвестициялар ҳажми жорий йилдаги ЯИМнинг ўсишида ўз натижасини беради. Инвестиция маблағлари самарадорлигини аниқлаб берувчи кўрсаткичлар ва уларнинг тизимлари талайгина. Улар ичида ҳисобланиши нуқтаи назаридан қулай бўлган ICOR кўрсаткичидан, мамлакатимиз иқтисодиётига, умуман, реал секторга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқлашда фойдаланамиз.

Ўзбекистонда инвестиция иқлимининг муҳим омилларидан бири хорижий инвесторлар учун молиявий-иқтисодий рағбат ва имтиёзлар тизимининг ҳолати ва амал қилиши ҳисобланади. Бунда мазкур рағбат ва имтиёзлар ишлаб чиқариш соҳасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтиришга ва асосан, экспорт салоҳиятини оширишга қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай мамлакатнинг инвестиция иқлими қатор омилларнинг таъсиридан келиб чиқиб белгиланади ва ушбу омилларни, тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин: инвестиция салоҳияти; инвестиция шарт-шароитлари; инвестиция rischi. Хорижий инвестицияларни янада фаол жалб этишда инвестиция салоҳияти муҳим роль ўйнайди ва бунда табиий хом ашё ресурслари захиралари, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш ва истеъмол салоҳияти, инновация ва молиявий салоҳият муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда инвестиция иқлими барқарорлигини таъминлашда умумиқтисодий шарт-шароитлар, молиялаштиришнинг бозор механизмлари, меъёрий-ҳуқуқий шароитлар, ахборот таъминоти экологик шароитлар ва бошқалар ҳам муҳим ўрин тутди. Шунингдек, хорижий инвесторлар мамлакат иқтисодиётига маблағ киритишида инвестиция иқлимининг макроиқтисодий кўрсаткичларини, яъни хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ва чиқиб кетиши, инфляция даражаси, ЯИМнинг ўсишини, истеъмол ва жамғарма нисбати, фоиз ставкалари даражаси ҳамда хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилиши кабиларни ҳисобга олади.

Инвестиция иқлими инвесторларнинг инвестиция riskларини баҳолаш

асосида чет эл инвестициялари кириб келишига қулайликлар яратиши керак. Чет эллик инвесторлар қабул қилувчи мамлакатдаги инвестиция иқлими, унинг хавфсизлиги, сиёсий рисклар даражаси ва уларнинг суғурталаниши, инвестициялаш мақсадларига мувофиқлиги, иқтисодиётнинг бошқаларга қараганда қулайлиги нуқтаи назаридан баҳолайдилар. Мамлакатга хос риск даражаси (қарзлар масаласи, импорт-экспорт баланси, ҳукуматнинг барқарорлиги ва бошқ.), маҳаллий шароитнинг қўшни мамлакатга нисбатан устун томонлари муҳим ўринда туради. Инвестицияларни рағбатлантириш тадбирлари (импорт хом ашёга божхона божларини бекор қилиш, корпоратив солиқни қисман ёки бутунлай бекор қилиш, солиқлар бўйича имтиёзлар), экспорт саноати районлари, эркин савдо зоналари, божхона божлари амал қилмайдиган зоналарнинг бўлиши ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, инвестиция иқлими барқарорлигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, инвестиция рисклари суғуғртасини ёки ҳимояси тизимини кенг ривожлантириш, меъёрий-ҳукукий ҳужжатларни тўла маънода амал қилишига эришиш, конвертация масалаларини ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, инвестиция иқлими барқарорлигини, фикримизча, давлатнинг хорижий инвестицияларга бўлган сиёсий муносабати, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси, давлат аппарати бошқармасининг ишлаш самараси, давлатнинг сиёсий барқарорлиги, иқтисодиётнинг умумий ҳолати (ўсиши ёки инқироз), инфляция даражаси, валюта курсининг барқарорлиги, солиқ ва божхона имтиёзлари, ишчи кучларининг қиймати ва меҳнат ресурсларини ишлатилиш тартиби, аниқ товар ва хизмат турларига бўлган талаб ва таклифнинг мавжудлиги, кредит баҳоси, қолаверса жамият аъзоларининг хорижий капитал ва хусусий мулкчиликни шаклланишига бўлган муносабати, жамиятнинг идеологик билимлари даражаси, ишчи кучларининг ташкилотчилик ва тадбиркорлик қобилияти каби омилларни чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш асосида таъминлаш мумкин.

Солиқ имтиёзларини беришда жаҳон тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. АҚШда корхоналар зарар кўриб ишлаётган даврига солиқ

тўлашдан озод қилинади. Бу тажрибани Ўзбекистонда ҳам энг керакли соҳаларда фаолият юритаётган корхоналар учун қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун қатъий солиқ назоратини ўрнатиш зарур.

Ўзбекистонда қулай инвестиция иқлими яратилиши учун кенг ҳаракат қилинмоқда, бу борада хорижий инвесторларга турлича молиявий имтиёзлар ва ҳуқуқлар берилган, бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда. Шунинг билан биргаликда қуйидаги тадбирлар, бизнинг фикримизча, инвестиция иқлимини янада яхшилаш имкониятини беради: сўмнинг қадрини кўтариш; банк фоизи ставкаларини барқарорлаштириш; ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш; маъмурий буйруқбозлик ҳолатларига чек қўйиш; Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларининг акцияси нуфузини ва унинг ликвидлилигини ошириш, хорижий инвесторларни уларга жалб эта билиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш.

Ўзбекистон иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб қилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улушини оширишга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Шу сабабли, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: айрим тармоқлар ва минтақаларда (жумладан, эркин иқтисодий зоналар) хорижий инвесторлар учун реал амал қилиши учун имтиёзлар тизимини яратиш; хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш; барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани такомиллаштириш; солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалаштириш; хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмини яратиш; иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш; иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш; биржа бозорларида ва бошқа бозорларда акциядорлик жамиятлари акциялари

пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш; маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш.

3.2. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш омиллари

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: «Хеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2014 йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йили бўлади»⁴⁶, деб таъкидлаб ўтади. Ушбу фикрлар миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш масаласига ҳам бевосита дахлдор ҳисобланади.

Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим шаклларида бири қўшма корхоналар ташкил этишдир. Бугунги кунда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарининг даромадларини солиққа тортишда бир қатор имтиёзлар берилган бўлсада, бизнинг фикримизча, биринчидан, бу солиқ имтиёзларининг муддати, ҳажми, қўлланиш шарт-шароити аниқ кўрсатилган бўлиши, иккинчидан, бу енгилликлар хорижий инвесторларга яхши таниш ва тушунарли бўлиб, камида беш-ўн йилга белгиланиши, учинчидан, солиқ имтиёзлари ўзгармас ва қатъий бўлиши лозим. Шундагина бу имтиёзлар ўз самарасини бериши мумкин.

Солиқ имтиёзларини беришда жаҳон тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. АҚШда корхоналар зарар кўриб ишлаётган даврига солиқ тўлашдан озод қилинади. Бу тажрибани Ўзбекистонда ҳам энг керакли соҳаларда фаолият юритаётган корхоналар учун қўллаш мақсадга мувофиқ.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси: 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // «Тошкент окшоми», 2014 йил 20 январ, №13. – Б. 2.

Бунинг учун қатъий солиқ назоратини ўрнатиш зарур.

Ўзбекистон сўмининг эркин алмашадиган валюталарга нисбатан бўлган курсининг пастлигини ҳисобга олиб, хорижий инвесторларнинг корхоналар соф даромадини тақсимлашда оладиган улушини солиққа тортишни вақтинчалик бекор қилиш, ижобий ўзгаришларга олиб келарди.

Ўзбекистонда интеллектуал салоҳиятни ўстириш учун капитал қўйиш келажақда республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун бу соҳада капитал қўйган инвесторларга солиқ имтиёзларини бериш ўта муҳимдир.

Ўзбекистонда қулай инвестиция иқлими яратилиши учун кенг ҳаракат қилинмоқда, бу борада бир қатор Қонунлар, Қарорлар ва Фармонлар ишлаб чиқилган, хорижий инвесторларга турлича молиявий имтиёзлар ва ҳуқуқлар берилган, бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда. Шунинг билан биргаликда қуйидаги тадбирлар бизнинг фикримизча инвестиция иқлими янада яхшилаш имкониятини беради:

- сўмнинг қадрини кўтариш ва бунинг асосида банк фоизи ставкаларини барқарорлаштириш;
- ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш;
- маъмурий буйруқбозлик ҳолатларига чек қўйиш ва хорижий инвесторларга нисбатан ижтимоий психологияни ва фикрлашни ривожлантириш;

Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларининг акцияси нуфузини ва унинг ликвидлилигини ошириш, хорижий инвесторларни уларга жалб эта билиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш.

Фикримизча, биз иқтисодиётимиз ва мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги рақобатдошлигини, энг аввало, пухта ишлаб чиқилган ва оқилона юритилаётган инвестиция сиёсати орқалигина таъминлаш мумкин. Жаҳон инқирози шароитида ҳам маҳсулот рақобатдошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик

лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш – бу биринчи навбатдаги энг муҳим вазифа бўлиши зарур. Шу билан бирга, инвестиция сиёсатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш алоҳида этибор қаратмоқ керак.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этишга манфаатдор ҳар қандай давлат ўзининг инвестиция сиёсатини такомиллаштириб боради. Бу сиёсат хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос йўналишини, шунингдек, уларни жалб этишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди. Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини самарали ташкил этишда давлатнинг тузилмавий инвестиция сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Уни қуйидаги расм орқали ифодалаймиз



3.2-расм. Ўзбекистон Республикасининг тузилмавий инвестиция сиёсати таркиби⁴⁷

⁴⁷ Магистрант томонидан шакллантирилди.

Инвестиция сиёсатини амалга ошириш воситалари ва усуллари инвестицияларнинг турли йўналишларда сарфланиши ва жойлаштирилишини рағбатлантиради.

Юртбошимиз Ўзбекистоннинг экспорт имкониятини кескин ошириш масаласига ёндашар экан, бунинг учун даставвал, қимматли хом ашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарни ривожлантириш, чет эллик шериклар билан замонавий ихчам корхоналар ташкил этиш, уларни биринчи навбатда меҳнат ресурслари ва хом ашё манбаларига, авваламбор, қишлоқ жойларига яқинроқ жойлаштириш зарурлигини уқтириб ўтади.

Айни вақтда, инвестиция сиёсатининг энг устувор йўналиши, биринчидан, республиканинг экспорт имкониятини ошириш, иккинчидан, иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, учинчидан, инвестицияларни молиялашнинг номарказлашган манбалари ҳажмини оширишга йўналтирилган. Бир вақтнинг ўзида мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги рақобатдошлигини, энг аввало, пухта ишлаб чиқилган ва оқилона юритилаётган инвестиция сиёсати орқалигина таъминлаш мумкин.

Хорижий инвесторларни манфаатли жалб этишда уларнинг сармояларини ҳимояланган кафолатлари муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда улар инвестицияни миллий иқтисодиётимизга киритишда иқтисодий жиҳатдан ҳадиксирайдилар. Шу боис, чет эллик инвесторларнинг ўз инвестицияларини ихтиёрий равишда суғурта қилиш ҳуқуқларининг кафолатганлиги уларнинг мулкларини экспроприация қилишдан ва бошқа хатарлардан муҳофаза қилинишини таъминлайди. Хорижий инвесторлар ўз фаолиятлари натижасида олган фойдаларини ҳеч бир чекловларсиз чет элга ўтказишлари ҳам, уларни республика ҳудудида қайта инвестициялашлари, ёхуд улардан ўз истакларига кўра бошқа мақсадларда фойдаланишлари ҳам кафолатланади. Ана шундай қулай муҳит туфайли уларнинг фаолиятлари ривожланиб бормокда.

Ўзбекистоннинг дунёдаги мавқеининг мустаҳкамланиб бориши, чет эл

инвестицияларини жалб этиш учун яхши шароитларнинг яратилиши натижасида чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналар сони кўпайиб бормокда. Аммо, Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини мамлакат иқтисодиётига жалб қилишда бир қанча муаммолар мавжуд. Хусусан, хорижий инвестицияларни жойлашишида ҳудудий номутаносиблик мавжуд. Натижада чет эл инвесторларини ҳудудлар миқёсида жалб этиш мувозанатга солинмаганлиги сақланиб турибди. Масалан, фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг 65 фоизи Тошкен шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган.

Ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, бу борада амалга оширилаётган ишларни қайта ташкил этиш зарур. Бу эса иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб қилиш ишларини янада жонлантиришга имкон беради. Шунингдек, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолияти мониторингини ташкил этиш талаб этилади.

Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этишни кўпайтиришнинг янада бир йўли жойларда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш ҳисобланади.

Инвестиция сиёсатини такомиллаштириш мақсадида, фикримизча, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- инвестиция фаолияти билан боғлиқ қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам қўшма корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва

рағбатлантириш чораларини кенгайтириш ва бу борада янги имкониятлар яратиб бериш, хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш;

– хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, қўшма корхоналар фаолиятини текширишни янада чеклаш.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, чет эл инвесторларига турли енгиллик ва имтиёзларни жорий этиш бўйича Хитой давлати тажрибаси аҳамиятлидир. Хитой ҳукумати инвестициялар оқимини ҳудудлар даражасида, маҳаллий ҳокимиятга катта ваколат берган ҳолда муваффақиятли мувофиқлаштириб келмоқда. Марказий органлар умумий инвестиция сиёсати доирасида қайси соҳага инвестицияларни йўналтириш зарурлигини аниқлаб беради. Маҳаллий органлар эса бир вақтда инвестицияларни рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқади. Чет эл инвестицияларини жалб этиш учун «солиқ каникули» ва енгилликлари, импорт таърифлари бўйича енгилликлари каби турлича рағбатлантириш усуллари ишлаб чиқилган. Айниқса кўпгина эркин иқтисодий зоналарда ташкил этилган корхоналарга нисбатан бундай енгиллик ва имтиёзлар кўпроқ ишлатилади.

Республикамизда ҳам вилоятларнинг, туманларнинг инвестиция фаолиятидаги фаоллигини ва мустақиллигини ошириш ҳудудларга чет эл инвестицияларини жалб этишда бир муҳим мезон бўлиши мумкин.

Айни вақтда шуни тан олиш керакки, иқтисодиётимизга инвестиция киритиш салоҳиятига эга бўлган чет эллик инвесторлар билан талаб даражасида иш олиб борилмаяпти. Авваломбор улар Ўзбекистондаги сармоя киритиш учун мавжуд бўлган катта имкониятлар, шунингдек, инвесторлар учун яратилган ҳар томонлама кенг, қулай шарт-шароит ва кафолатлар бўйича зарур, керакли маълумот ва ахборотларга эга бўла олмаяпти. Шу маънода Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги – «Ўзинфоинвест»нинг масъулиятини кучайтириш зарур. Мазкур агентлик хорижий ишбилармон доираларини республикамиздаги мавжуд инвестиция муҳити ҳақида атрофлича ахборот

билан таъминлаб қолмасдан, уларга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида ҳам ҳар томонлама қўмаклашади.

Учинчи боб бўйича хулоса:

– ХИИКларни барпо этиш жараёни бугунги кунга келиб бир оз такомиллаштирилган бўлса-да, лекин у тўлиқ талабга жавоб бермайди. Шунинг учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир: а) ХИИКларни барпо этиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштириш; б) таъсис ҳужжатларида таъсисчиларнинг улушлари, фойдани тақсимлаш тартиби, улушларни ўтказиш муддатлари, кредит олишда кафолатчи шахснинг ким бўлиши каби муаммоларнинг аниқ баён этилишини назорат қилиниши;

– чет эл шериклари томонидан ташкил этилган корхоналар ҳиссаларни ўз вақтида қўйиш мажбуриятларини бажаришда камчиликлар мавжуд. Бу эса ҳиссадорлар ўртасида олинадиган фойдани тақсимлашда ҳам ноаниқликларга олиб келмоқда. Буларни бартараф этиш мақсадида: таъсис ҳужжатларида таъсисчилар ўртасида корхона очиш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тақсимотини қатъий қилиб белгилаш; шартномада корхона устав фондига ўтказиладиган улушнинг ҳажмини ва тўлаш муддатини қаттиқ назорат қилишни таъминлаш лозимлиги таъкидланиши; таъсис ҳужжатларида корхона устав фондини шаклланишида хорижий инвесторнинг улуши сифатида замонавий технология ва ускуна, «ноу-хоу» ҳуқуқларидан иборат мажбуриятларнинг кўрсатилиши; устав фондига фаолият давомида қўйиладиган ҳар бир улуш томонларнинг рухсати билан корхона кенгашининг бир овоздан тасдиқланган қарори асосида қўйилиши зарурлиги таъкидланиши;

– иқтисодиётни диверсификация қилиш шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида инвестиция муҳити барқарорлигини ва унинг жозибадорлигини таъминлаш зарур.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш юзасидан қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Хорижий инвестициялар – мулкчиликнинг барча кўринишларидаги моддий ва номоддий бойликларни фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида чет эллик инвесторлар томонидан муомалага киритишдир. Хорижий инвестициялар чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш ва самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятларига сафарбар этадиган барча турдаги молиявий, мулкӣ ва интеллектуал бойликлари тушунилади.

2. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга кенг кўламда жалб қилиш зарурати қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади: иқтисодиётдаги мавжуд асосий фондларнинг жисмонӣ ва маънавий эскирганлиги, саноат тармоғида моддий техника базасининг ўта пастлиги; республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг истеъмол томонга кўплаб сарфланаётгани ва жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги; Ўзбекистоннинг хом ашё ва табиӣ бойликларга бойлиги, кўплаб қайта ишловчи саноатлар корхоналарни қуриш имконияти мавжудлиги; экспорт салоҳиятининг нисбатан пастлиги, экспорт таркибида хом ашёнинг асосий салмоқни ташкил этиши, келгусида илғор замонавий технологияни жалб қилиш орқали тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқиб, экспорт ҳажмини ва таркибини ўзгартириш зарурати кабилар.

3. Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, йирик инвесторлар томонидан инвестициялар жуда секинлик билан қўйилмоқда, буларнинг сабаблари: телекоммуникация алоқаларининг ривожланмаганлиги; миллий пул бирлигининг хорижий валютага нисбатан курсининг ўзгарувчанлиги; қимматли қоғозлар бозорида иккиламчи бозорининг тўлиқ шаклланмаганлиги, валютани конвертациялашдаги муаммолар, солиқ тизимининг

такомиллашмаганлиги; Ўзбекистоннинг денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмаслиги; йирик ҳажмдаги капитални турли рисклардан кафолатловчи инвестиция банкларининг йўқлиги.

4. Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: сўмнинг кадрини кўтариш; ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш; маъмурий буйруқбозлик ҳолатларига чек қўйиш; Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларининг акциясини нуфузини ва унинг ликвидлилигини ошириш, хорижий инвесторларни уларга жалб эта билиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш.

5. Чет эллар тажрибасидан ва республикадаги мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, республика ҳудудларида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишни давом эттириш, уни рағбатлантиришга қаратилган махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш керак.

6. Инвестиция муҳити деганда, мамлакат иқтисодиёти ёки унинг маълум бир ҳудудига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий, экологик, маданий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади. У муайян ҳудудга инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибadorлигини белгилайдиган шарт-шароитларнинг мавжуд ижобий ва салбий томонларини англатади.

7. Икки ёки ундан ортиқ маҳаллий ва хорижий мамлакат субъектлари иштирокида товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, фойда олиш мақсадида юридик шахс сифатида ташкил этиладиган, мамлакатнинг қонунчилик талаблари асосида тузилган хўжалик юритувчи субъектга қўшма корхона дейилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришда қуйидаги таклиф ва тавсиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. Иқтисодий диверсификация қилиш шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида инвестиция муҳити барқарорлигини ва унинг жозибадорлигини таъминлаш зарур.

2. Миллий иқтисодийга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришга қуйидаги тадбирлар ёрдам беради: мамлакатимизга чет эл капиталини кенг миқёсда жалб қилишни тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари шаклида амалга ошириш; хорижий инвестицияларнинг оқиб келишини рағбатлантириш асосида уларни янги лойиҳаларга жалб этиш ва иқтисодийнинг устувор тармоқларига йўналтириш соҳасида қўшма корхоналар ташкил қилиш; Ўзбекистон иқтисодийга хорижий инвестицияларнинг барча шакллари фаол жалб қилишда мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестиция муҳитини яратиш; чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёزلарни янада кенгайтириш; инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини, глобал билимларни олиш, солиқларни тартибга солиш ролини такомиллаштириш, рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилган бўлиши керак; инвестиция муҳити барқарорлигини таъминлашда, биринчи навбатда, инвестиция рисклари суғуртасини ёки ҳимояси тизимини кенг ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тўла маънода амалга қилишига эришиш, конвертация масалаларини ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Хорижий сармоядорни қизиқтирувчи соҳалар, объектларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотлар мажмуини шакллантириш, бизнес-режалар ва уларни иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган соҳаларга чет эл капиталини жалб қилиш зарур. Экспортда қайта ишланган, тайёр маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш, айниқса, пахта ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлашни ошириш

ва бу соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш керак.

4. Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш ва мамлакатимиз ҳудудларининг инвестиция жозибадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– мамлакатимиз вилоятларида инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган ҳудудий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Бу вилоятларда инвестицион фаолликнинг сезиларли даражада ўсишини таъминлайди, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил етишга маблағлар жалб етиш имкониятларини кенгайтиради, бугунги кунда долзарб ҳисобланган янги иш ўринлари сонининг ортишига олиб келади. Шунингдек, ижтимоий соҳанинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади, аҳоли пул даромадлари ва уларнинг тўлов қобилиятига ега талаблари ортишини таъминлайди;

– ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб етиш учун бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш хусусиятидан келиб чиқиб, истиқболли инвестиция лойиҳалари танловларини еълон қилиш ва унга хорижий инвесторларни кўпроқ жалб етиш имкониятини топиш;

– мамлакатимиз ҳудудларида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини кенг жорий етиш ва ҳудуднинг инвестиция жозибадорлигини оширишнинг аниқ стратегиясини аниқлаб олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу таклиф ва тавсияларнинг амалиётга самарали татбиқ этилиши миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: «Ўзбекистон», 2008.
2. «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 14 апрел 1999 йил.
3. «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 24 декабр 1998 йил.
4. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 30 апрел 1998 йил.
5. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 30 апрел 1998 йил.
6. «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25 апрел 1996 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 10 апрел 2012 йил.
8. «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2 декабр 2008 йил. – №4059.
9. «Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаштиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 14 март 2007 йил. – №УП-114.
10. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11 апрел 2005 йил.

11. «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 21 июл 2005 йил. – №ПФ-3631.

12. «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 6 май 2003 йил.

13. «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 18 ноябр 2013 йил.

14. «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 21 ноябр, 2012 йил. – №ПП-1855.

15. «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 21 декабр 2010 йил. – №ПҚ-1442.

16. «Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 27 январ 2009 йил. – №21.

17. «Навоий» эркин-индустриал иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 9 апрел 2009 йил. – №105.

18. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 23 апрел 2009 йил. – №120.

19. «Инвестиция лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тартиби ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 7 июн 2007 йил. – №110.

20. «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 27 сентябр, 2006 йил. №ПП-475.

21. «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 15 апрел 2005 йил. – №56.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

22. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 56 б.

23. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: «Ўзбекистон», НМИУ, 2005. – 425 б.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси: 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // «Тошкент оқшоми», 2014 йил 20 январ, №13.

IV. Асосий адабиётлар

25. Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тизимида синдикат асосида кредитлаштириш. – Т.: «ТМИ», 2005. – 96 б.

26. Ваҳобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. – Т.: «Шарқ», 2003. – 400 б.

27. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – 324 б.

28. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: «Ношир», 2011.

29. Инвестиционная политика: учебное пособие / Ю.Н. Лапыгин, А.А.

Балакирев, Е.В. Бобкова и др. – М.: «КНОРУС», 2005. – 320 с.

30. Иностранные инвестиции: учебное пособие / Э.С. Хазанович. – М.: «КНОРУС», 2011. – 312 с.

31. Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник. – М.: «ЮНИТИ», 2007. – 413 с.

32. Игошина Л.Л. Инвестиции. Уч. пос. – М.: «Экономист», 2005. – 328 с.

33. Кольтынюк Б.А. Инвестиционное проектирование объектов социально-культурной среды: Учебник. – СПб.: «Михайлова В.А», 2000. – 432 с.

34. Левенцев Н.Н., Костюнина Г.М. Международное движение капитала: инвестиционная политика зарубежных стран: Учебник. – М.: «Экономист», 2007. – 368 с.

35. Маматов Б.С. ва бошқ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. Тошкент молия институти. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2013. – 784 б.

36. Нешитой А.С. Инвестиции: Учебник. – 4-е изд. – М.: «Дашков и К⁰», 2006. – 372 с.

37. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Страдубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 4-изд. – М.: «ИНФРА-М», 2005. – С. 235.

38. Сергеев И.В., Веретенникова И.И. Организация и финансирование инвестиций. – М.: «Финансы и статистика», 2001. – 267 с.

39. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Иккинчи китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003.

40. Ткаченко И.Ю. Инвестиции: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / И. Ю. Ткаченко, Н. И. Малых. – М.: «Академия», 2009. – 240 с.

41. Раимжонова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёз. дисс. автореф. – Т.: «БМА», 2012. – 21 б.

42. Ромаш В. М., Шевчук В. И. Финансирование и кредитование инвестиций. Учеб. пос. – Минск: «КНИЖНИЙ ДОМ», 2004. – 160 с.

43. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция

лойиҳалари таҳлили: Олий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2003. – 225 б.

44. Черняк В.З. Управление инвестиционным проектом в строительстве. – М.: «Русская Деловая Литература», 2007. – 800 с.

45. Шарп У., Г.Александр, Дж. Бейли. Инвестиции. Пер. с англ. – М.: «ИНФРА», 1997. – 1020 с.

46. Ғозибеков Д.Ғ., Сабиров О.Ш., Мўминов А.Г., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: «Фан ва технология», 2004. – 308 б.

47. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия», 2003. – 332 б.

48. Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: «Иқтисод-молия», 2007. – 92 б.

49. Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: «ТМИ», 1993. – 88 б.

50. Ҳошимов Қ.Б. Чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқт. фан. номз. илмий дар. олиш учун ёз. дисс. Автореф. – Т.: «ЎМУ», 2004. – 24 б. – 22 б.

51. Хазанович Э.С. Иностранные инвестиции: учебное пособие/ Э.С.Хазанович. 2-е изд. – М.: «КНОРУС», 2011. – 312 с.

52. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2008. – 208 б.

V. Қўшимча адабиётлар

53. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ» 2005. – 585 б.

54. Нодирхонов У. Мамлакат рейтингига кўра хорижий инвестициялар. //Бозор, пул ва кредит/. 2000. 8-сон, 47-б.

55. Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёз. дисс. автореф. – Т.: «БМА», 2008. – 42 б.

VI. Даврий нашлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар


56. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижимой таракқиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлар ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон». 2011. – Б. 53-54.
57. UNCTAD, World Investment Report 2013. 9 p.
58. OECD International direct Investment statistics database. September 2012 y.
59. Annual national accounts: Gross domestic product, OECD National Accounts Statistics (database)<http://dx.doi.org/10.1787/inv-usd-table-2013-6-en>.
60. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: «ЎМЭ» давлат илмий нашриёти. 2002. 4-том.

VII. Интернет сайтлари:

- www.mineconomy.uz (Иқтисодиёт вазирлиги);
- www.mf.uz (Молия вазирлиги);
- www.mfer.uz (Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги);
- www.stat.uz (Давлат статистика қўмитаси);
- www.lex.uz; (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);
- www.cbu.uz (Марказий банк);
- www.ufrd.uz (Ўзбекистон Тикланиш ва таракқиёт жамғармаси).


**Ўзбекистонда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарда
амал қиладиган имтиёзлар**

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4059 сонли «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ- 4436 сонли «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони
Инвестиция миқдориغا қараб имтиёзлар- нинг амал қилиш муддати	– 3 млн.дан 10 млн. еврогача – 7 йил; – 10 млн. дан 30 млн.еврогача – 10 йил, кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади; – 30 млн. евродан ортиқ бўлганда – 15 йил, кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.	– 300 минг дан 3 млн. АҚШ долларигача – 3 йил; – 3 млн.дан 10 млн. АҚШ долларигача – 5 йил; – 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил.	– 300 мингдан 3 млн. АҚШ долларигача – 3 йил; – 3 млн.дан 10 млн. АҚШ долларигача – 5 йил; – 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил.
Солиқ ва мажбурий тўлов имтиёзлари	«Навоий» ЭИИЗда рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар ягона солиқ тўлови, фойда, ер, мол-мулк ҳамда ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари ва мажбурий тўловлардан (Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмадан ташқари) озод этилади.	«Ангрен» МИЗ қатнашчилари фойда, мол-мулк, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ва Республика йўл жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этилади.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади.
Божхона имтиёзлари	ЭИИЗда фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида олиб келинаётган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.	«Ангрен» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади.	Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида «Жиззах» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади.

Хорижий инвестицияларнинг хусусиятлари⁴⁸

⁴⁸ Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилди.

**Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг
асосий тамойиллари⁴⁹**



⁴⁹ Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари, млн. сўмда⁵⁰

Молиялаштириш манбалари	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Капитал қўйилмалар, жами	10458864	18220293	20721845	23679701	27123275
Шу жумладан:					
1. Марказлаштирилган инвестициялар:	2464960	3819784	4696491	5740892	6691366
1.1. Бюджет маблағлари	902710	825000	950000	1059254,4	1300000
Шу жумладан:					
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди	82710	92976	105000	115560	131000
1.2. Бюджетдан ташқари жамғармалар	572021	654930	911834	1431777	1876750
Шу жумладан:					
- республика Йўл жамғармаси	241197	540192	609800	680796	921572
- болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	38800	88272	139930	158147	218243
- мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси (2012 йилдан таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси)	292024	26466	162104	545836	623500
- олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди (2012 йилдан)	-	-	-	469976	113435
1.3. Тикланиш ва таракқиёт фонди (сўмга эквивалент ҳисобида)	305657	1372166	1353527	1432400	1632833
1.4. Ҳукумат кафолати остида жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар (сўмга эквивалент ҳисобида)	684572	874711	1376130	1701901	1750783
Шу жумладан, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши учун	-	-	171750	301564	250560
2. Марказлаштирилмаган инвестициялар:	7993904	14400509	16025354	17938809	20431910
2.1. Корхона маблағлари	4643000	7777700	7536261	6835725	8150655
2.2. Тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	560000	1 530 000	2069185	3524824	3236108
Шу жумладан, АТ «Қишлоқ-қурилиш» банкнинг қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши учун мўлжалланган имтиёзли кредитлари	-	256 300	196289	222070	426300
2.3. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўмга эквивалент ҳисобида)	1963723	3876 809	3835109	4340656	4563159
2.4. Аҳоли маблағлари	827181	1 216 000	2584800	3237604	4481988

⁵⁰ Тегишли йиллар учун қабул қилинган давлат Инвестиция дастурлари маълумотлари асосида тузилди.

Сиёсий барқарорлик	Давлат томонидан барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган тизимли ислохотлар ва Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари учун яратиб берилаётган тенг имкониятлар, ҳар бир шахс, ҳар қайси хўжалик юритувчи субъектга ўз имкониятларини тўлақонли намойиш этиши учун барча шароитларнинг мавжудлиги, мамлакатдаги тинчлик ва осойишталик.
Миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиб бораётгани	Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг дунёда «Ўзбек модели» сифатида тан олинган ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудидаги кўпгина давлатлардан фарқли равишда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўйилмасликка эришди. 2013 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, кишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси 6,8 фоизни ташкил этди. 2013 йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир. 2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солигининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди. Албатта, бундай ижобий ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.
Географик ва геосиёсий жойлашуви	Ўзбекистон Марказий Осиёнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, самарали минтақавий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, минтақавий ва трансмиллий лойиҳаларда иштирок этиш учун қулай транспорт коридорларига эга мамлакатдир. Ўзбекистон географик жиҳатидан ҳам, сиёсий жиҳатидан ҳам Марказий Осиёнинг ўзаги ҳисобланади. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири Буюк Ипак йўли ҳам шу ердан ўтган.
Табиий ресурслар	Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ўлка бўлиб, мамлакат ҳудудида 22700 дан ортиқ фойдали қазилма конлари мавжуд, уларнинг 900 га яқини ҳозирги кунда ўзлаштирилган. Ўзбекистоннинг келажаги қимматбаҳо қазилма бойликлари билан, рангли ва ноёб металлар билан, органик ёқилғининг барча турлари (нефть, табиий газ ва газ конденсати, кўмир, уран) билан қурилиш материалларининг кўплаб турлари ва бошқа конларни ўзлаштириш билан боғлиқдир. Қатор фойдали қазилма конларнинг (олтин, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфоритлар, каолинларнинг) аниқланган захиралари ва истиқболли лойиҳалари бўйича Ўзбекистон нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида, балки дунё микёсида ҳам етакчи ўринларни эгаллайди. Ўзбекистон қазиб олинadиган олтиннинг умумий ҳажми бўйича дунёда саккизинчи ўринни, аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича эса бешинчи ўринни эгаллайди. Республикада 30 га яқин олтин конлар аниқланган. Мурунтодаги олтин конларини (миқдори ва сифати бўйича) Колондайк (АҚШ), Витватерсранд (ЖАР), Колар (Ҳиндистон) сингари жаҳондаги энг йирик конлар билан бир қаторга қўйиш мумкин. Мустақиллик шарофати туфайли, олтин захираларини ўзи тасарруф этиш имкониятига эга бўлган Ўзбекистон, жаҳон олтин бозорида ҳам тенг ҳуқуқли ҳамкор бўла олиши мумкин. Бутун Марказий Осиё минтақаси бўйича газ конденсати захираларининг 74%, нефтнинг 31%, табиий газнинг 40%, кўмирнинг 55%и Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Табиий газ қазиб олиш бўйича республика Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида учинчи ўринда ва дунёдаги бу соҳанинг кучли

⁵¹ Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилди.

	10 та етакчи мамлакати қаторида туради. Ўзбекистон Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари доирасида пахта етиштирувчи асосий мамлакат бўлиб ҳисобланади. Пахта толаси етиштириш бўйича Ўзбекистон дунёда тўртинчи ўринда, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради. Республика сабзавот, мева, узум етиштириш бўйича ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 6 млн. тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Пахта хом ашёсини ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ушбу соҳаларда ҳам жаҳон бозорида етарлича ҳамкорлик қилиш имкониятига эга эканлигини таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг ягона газкувур тизимига киради, унинг 9 та бош газ транспорт тармоғи, нафақат, Ўрта Осиё учун балки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Европа қисми давлатлари ва Кавказорти учун ҳам умумдавлат аҳамиятига эга.
Ривожланган инфратузилма мавжудлиги	Ўзбекистон Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган Евроосиё йўллари чорраҳасида жойлашган. Республикамиз Евроосиё материғи учун иқтисодий ва маданий кўприк бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу кўприк доирасида товарлар, технологиялар, сармоялар ва маданий қадриятларнинг ҳаракати учун яхши шароит яратилган. Республикада юк ва йўловчиларни мамлакат ичкарисиди ва ташқарига ташишни (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан) таъминловчи тармоқланган транспорт тизими шаклланди. Ўзбекистон Қозоғистон Республикаси билан мустаҳкам транспорт алоқасига эга. Бу алоқа йўллари орқали республикамиз Россия, Хитой ва Осиёнинг бошқа давлатлари, Тинч океани минтақаси автойўллариға чиқиши таъминланади. Республика автомобиль йўллари тармоғи ривожланишининг асосий кўрсаткичлари бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради. Мавжуд автомобиль йўллари республика ҳудуди орқали Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Афғонистон давлатлариға ва улар орқали эса Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари йўллариға транзит юк ва йўловчиларнинг узлуксиз ўтишини таъминлайди.
Қулай солиқ ва божхона сиёсати	Ўзбекистон иқтисодиётиға киритилаётган хорижий инвестициялар учун инвесторларға қатор имтиёз ва преференциялар яратилган ва уларнинг кафолати қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, улар мулк солиғидан, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад солиғидан ҳамда бир қатор божхона божларини тўлашдан озод этилган.
Юксак салоҳиятға эга ишчи кучининг мавжудлиги	Ўзбекистон юқори салоҳиятға эга бўлган малакали кадрларға эга бўлиб, юртимизда аҳоли саводхонлиги даражаси 100 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда ҳар тўрт кишидан бири олий ёки ўрта махсус маълумотға эгадир. Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, мамлакатимизда ўз мазмун ва моҳиятиға кўра ноёб бўлган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» муваффақиятли амалға оширилмоқда. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит мажбурий узлуксиз таълим тизимиға ўтиш ҳамда таълим жараёнларининг сифатини тубдан ва тизимли равишда оширишға, кадрларнинг юксак даражадаги умумий ва касбий маданиятға эга бўлган янги авлодини тарбиялашға қаратилган махсус чора-тадбирларни амалға ошириш имконини берди. Аҳолининг турмуш шароитини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу маънода, юртимизда аҳоли муҳофазасини таъминлашдаги биринчи ва асосий вазифа инсонни камол топтириш, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини кўтариш билан боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг инсонпарварлиги мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг қанчалик юксаклиги билангина эмас, балки бу салоҳият ҳар бир кишининг фаровон яшаши ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилгани билан ҳам баҳоланади.